Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 23 июнь
ПАЙШАНБА
№ 141 (4.337).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

САРАТОН

Деҳқон таомилига кўра жавзо тугаб, саратон бошланди. Табиатимиз, ер-сувимиз тарихи бу ойларнинг ҳикмату хосиятини, ажойиботу ғаройиботини, ҳатто жабру жафосини яхши билади. Майнинг иккинчи ва июнинг биринчи ярмида қор ёғиб, шиддатли шамол эсиб, совуқ ҳаво уфуриб келган пайтлар бўлган. Ота-боболаримизнинг «Жавзода жовраб ўлган хўкизми» деган мақоли, «Ёзда ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан» қабилидаги ҳикмати бежиз яратилмаган. Лекин аксарият ҳолларда жавзо ва саратон ҳароратининг беҳад кўтарилиши, бунинг шарофати туфайли экин-тикининг яйраб ўсиши, мева-чеванинг қуёш нурини эма-эма етилиши, хуллас пишиқчилик, маъмурчилик, ташвиш-тараддуд, аъло кайфият бахш этиши билан ажралиб туради. Пиллачиларимиз мавсумни якунлашади, арпа ўрими тугаб, буғдойга ўроқ тушади. Сабзавот пайкалларида иш қайнаб, неъматлар дастурхонига барака энади. Ҳандалакдан сўнг қовун-тарвуз ғарқ пишади. Тутхўрлик палласи ниҳоясига етади. Бошқа мева-чевалар инсон вужудига дармон киритади...

Бу таъриф-тавсифни яна давом эттириш мумкин. Лекин бу йилги саратон ҳақида алоҳида тўхталмоқ жоиз. У ҳар қачонгидан ўзгача, яъни ғоят иссиқ келди. Жавзонинг охирги кунларидаёқ республикамизда термометрнинг симоб устуни соҳа қирқ-қирқ тўрт, ҳатто қирқ олти даражани кўрсатди. Бунинг нималигини, қурбу каромати, ўз навбатида зиёну зарарини аввало деҳқон билади. Узоққа бормасдан бир мисолни келтирайлик: 21 июнь куни Марказий телевидениенинг «Вақт» ахборот программасида журналист Мухтор Ғаниев Жиззах чўлида ғалла ўрим-йиғимининг бориши ҳақида репортаж бераркан, соҳа ҳарорат қирқ беш даража бўлгач бепоён далада бемалол олтмиш даражага етиши турган гап эканлигини таъкидлади. Бундай шароитда меҳнат қилиш ўзбек деҳқони жасорати, матонати, қаҳрамонлиги тимсолидир. Ўзингиз ўйлаб қаранг: қуёш остида турган темирга қўл уриб, ерга оёқ босиб бўлмаса, қумнинг устига тухум қўйсангиз кўз очиб юмгунча қайнаб пишса, инсон баданидан маржон-маржон тер чиқаверса...

Лекин қишлоқ киши бунга кўникган. У ишламоғи — ғўзасини, бошқа экин-тикинини парваришламоғи, ҳосилини йиғиб-териб олмоғи, озуқа тўпламоғи, мол парваришини ўрнига қўймоғи, маҳсулот етиштиришни камайтирмаслик чораларини кўрмоғи зарур.

Бу гапларни таъкидлаётганимиздан мақсад шуки, далалар ва фермаларда ишловчилар ҳақида ғамхўрликни номигагина эмас, қоғоздагина эмас, балки амалда уюштириш зарур. Бундай пайтда халқимизнинг «Игнани аввал ўзингга суқ, оғримаса бировга» деган нақлини қишлоқ меҳнаткашларига хизмат қилиш бурчи зиммасига юкланган ҳар бир министрлик, ҳар қайси идора, ташкилот, муассасанинг биринчи раҳбари, ундан сўнг барча ходимлар чин қалбдан ҳис этишлари, олдиларига қўйилган вазифани ҳалол-покиза, жон фидо қилиб бажаришлари шарт. Колхоз ва совхозларнинг ҳамма далачилик бригадаларида намунали шийпонлар, соя-салқин дам олиш жойлари борми? Йўқ. Иссиқ овқат, кўк чой, мева-чева, қайнатилган сув муҳайёмми? Йўқ. Мавсумий боғча-яслилар тўлиқ уюштирилганми, уларнинг жамики ишкаллари бут этилганми? Йўқ. Медицина ходимлари жазирама иссиқда ишлаётганлар ҳолидан хабар олишаяптими, дори-дармонлар етказиб берилаяптими? Йўқ. Маданият, адабиёт ва санъат ходимлари меҳр-муҳаббат ила қишлоққа юз буришганми? Йўқ.

Хулоса, бундай рад жавоблари кишини чуқур ўйлантиради. Мана, тўрғунлик даври асоратларига қарши кураш бошлаганимизга ҳам бешинчи йил бўлаяпти. Партиямиз жамики қолдиқларга, нопокликларга, биринчи навбатда одамларга инсўатан бефарқлик ва тўраларга муносабатларга барҳам беришни кун тартибига қатъий қўймоқда. Инсон турмуши, унинг кам-кўстсиз, фаровон яшаши, уй-жойга, энг қулай шароитларга эга бўлиши хусусида ғамхўрлик умумпартиявий, умумхалқ, умумдавлат иши сифатида баҳоланмоқда.

Хўш, республикамиз қишлоқларида шу масалаларда жиддийроқ ўзгариш қилинмоқдами? Очиғини айтадиган бўлсак, дастлабки қадамлар қўйилаяпти, аммо уларни дадил ва ўктам деб бўлмайди. Меҳнаткашга намунали шароит ҳозирлаш масаласига келганда «эски тос, эски ҳаммом» деганларидек, арзигулик иш қилинмаётир. Шу жиҳатдан Жиззах области партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ташаббусини алоҳида таъкидламоқ керак. Улар далалар ва фермаларда ишлаётганлар учун жамики қулайликларни яратиш борасида жиддий тадбирларни амалга оширишди. Шийпон дейсизми, чорвадорларнинг дам олиш хоналари дейсизми, эрталабки, тушки ва кечки тамадди дейсизми, мева-чева таъминоти дейсизми, ҳатто сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий ишларгача ҳаммаси эътиборда турибди. Лекин афсуснки, «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида, бошқа матбуот нашрларида, телевиденне ва радио орқали жиззахликлар ибрати қайта-қайта тарғиб этилаётганига қарамасдан бу ташаббус кенг қулоч ёймаётир. Чўлдагиларга-ку қийин, аммо Бухоро, Самарқанд, Фарғона областларидан редакцияга келаётган хатларда деҳқоннинг намунали ишлаши учун етарли шароит яратилмаётгани, эътиборсизлик ва ўзибўларчилик томири қуритилмагани хусусида шикоят қилинаётган экан, бундай жойларда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган ўртоқларнинг инсофларига қойил эмасмиз.

Инсон ўз лафзи билан улуғ. Ваъда бериб уни бажармаган кишини халқимиз субутсизликда айблайди. Аслини олсак ваъдабозликнинг кераги йўқ, биз халққа хизмат қилиш учун яратилган маҳсулотлардан ўз бурчларини ҳалол-покиза бажаришни талаб этамиз. Бу гап биринчи навбатда Узбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, унинг жойлардаги органларига, «Ўзбекбирлашув» правленнесига, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Маданият, Соғлиқни сақлаш министрликларига ва бошқа кўпдан кўп идоралар, ташкилотлар, муассасаларнинг раҳбарларига тааллуқли. Келинг, қишлоқ сари дадил юрайлик, саратон жазирамасида тер тўкаётганлар ёнида бўлайлик, уларнинг узоғини яқин, мушкулини осон, оғирини енгил қилайлик. Шуниси ҳам борки, буни ватанпарварлик бурчи, виждон фармойиши, қалб амри, инсон олдидаги қарзимиз деб билайлик. Индаллосини айтганда, олдининг бердиси ҳам бўлиши шарт: дастурхонимиз фаровонлиги, эгнимиз бутунлиги деҳқон ва чорвадор меҳнатидан экан, уларга ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтирайлик.

Ҳозир қишлоқда ишларимиз қалашиб қолди. Булар орасида энг муҳими, бағоят масъулиятлиси ғўза парваришидир. Саратонда сувдан қолган, парваришсиз кечиккан, озиқлантиришни унутилган ғўза сарғайган гулдай сўлиб қолади, бинобарин ҳосилни бой бериб қўямиз. Пахтакор ва механизатор буни яхши тушунади. Лекин унинг унумли меҳнати қадрланиши, эъзозланиши, рағбатлантирилиши зарур. Бунда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари бевосита ҳал қиладиган ишлар кўп. Бизда бепул овқат тайёрлаш, мева-чевани, сабзавотни, чойни, чалобни, яъни айронни бемалол сероб қилиш учун ҳамма имконият мавжуд. Минерал сувлар савдо тармоқларида тўлиб-тошиб ётибди, гап шундаки уни фақат шаҳарларда эмас, қишлоқ магазинларида ҳам сотишни йўлга қўйиш керак. Айниқса ёш болали оналарга эътибор ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчидир. Бу масалаларда иккир-чиккир, майда-чуйда жиҳатлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шоҳли воқеа — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очилишига беш кун қолди. Халқимиз кўтаринки руҳ, аъло кайфият, беҳад куч-ғайрат билан қутлуғ анжуманни кутиб оларкан, унинг якунлари жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришга, демократияни, ошкораликни авж олдиришга шак-шубҳасиз ҳиссасини қилажагига ишонади. Ана шу комил ишонч меҳнат аҳлини, жумладан азамат ўзбек деҳқонини янги марраларни эгаллашга чорламоқда. У ҳар қандай чўққини забт этишга қодир.

Саратон кирди. Бутун борлиқ нафақат кундузи, кечаси ҳам тандирдек қизиб турибди. Ишларимиз худди шу тариқа жўшқин паллага қадам қўйди. Ана шу қийин шароитда шундай ишлайликки, билакларимиз толмасин, белимиз бўшашмасин, ишштимиз қайтмасин, унумимиз пасаймасин. Бунинг учун деҳқонга, қишлоқ аҳлига ғамхўр, меҳрибон бўлайлик, унинг ёнига бориб мадад кўрсатишни инсоний бурчимиз деб билайлик.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

НОРИН

«Октябрь» колхозининг коммунист Тоштанбой Човаров бошлиқ бригадаси аъзолари 114 гектарда ғўза ўстирмоқдалар. Айни пайтда парваришни оби-тобида ўтказиляпти. Қатор орларини юмшатишда, экинни озиқлантиришда механизаторлар Карим Қодиров, Мажид Исмоилов, Садриддин Собитов ғайрат кўрсатишаётир. Улар ўзаро мусобақалашиб, кунига 7—8 гектардан майдонни қўлдан чиқаришмоқда. Далани бегона ўтдан тозалашда Тўхта Хонбобоева, Улфатхон Қосимова, Марҳамат Ҳасанова, Қиммат Акрамова каби колхозчилар фаол қатнашмоқдалар. Заршунослар нияти— бу йил гектаридан 35 центнер оқ олтин етиштириш.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ.

КИТОБ

Расул Ёндошев — «Навбаҳор» совхозида бригадир. У бошлиқ коллектив бултур планни 91 процентга уддаланганди. Бу йил қолоқликдан қутулиш, 114 гектар майдоннинг ҳосилдорлигини 30 центнердан ошириш кўзланган. Шу кунларда ғўза агротехника қоидалари асосида парваришланяпти. Далада ҳар куни 40 дан зиёд ишчи жавлон урмоқда. Механизаторлар Ғадоймурод Жалилов, Тожиддин Қораев, чопиқчилардан Дилбар Худойназарова, Гулбаҳор Норқобилова, Норхол Азимова, Парда Умматов топшириқни пухта бажаришаётир.

Н. ЖАЛИЛОВ.

УЙЧИ

Беш йилликнинг учинчи йилида гектаридан 34,5 центнердан хирмон кўтарамиз! —Жданов номли колхознинг Шариф Турғунов бошлиқ бригадаси пахтакорлари шундай мажбурият қабул қилишган. Мавжуд 88 гектар майдон шартнома асосида 31 кишига бўлиб берилган. Пудратчилар ҳар бир агротехник тадбирни сифатли амалга оширмоқдалар. Саломат Аҳмаджонова, Мунаввар Эргашева, Ёқутхон Мирахмедова, Иноят Дадамирзаева сингарилар айниқса экинни баравж ўстиришаяпти. Механизаторлар Иззатилла Қаюмов билан Зокир Абдуллаев жўяклари чуқур ва майин юмшатмоқдалар. Ниҳолларга оби ҳаёт тарашда тажрибали сувчи Абдумамат Инъомов бош-қош.

Ҳ. СОЛИЕВ.

НИШОН

«СССР 50 йиллиги» совхози деҳқонлари бу йил пахтадан баракали хирмон яратишга бел боғлашган. Айни кезларда ғўза парвариши қизитилаяпти. Иброҳим Бўтаев бошлиқ коллектив ўзаро мусобақада пешқадам. Бригадада ниҳоллар илғор тажриба асосида ўстирилмоқда. Механизатор Иброҳим Хўжамбердиев қатор ораларига сифатли ишлов бераётир. Мақсуд Қодиров, Икром Хўжамбердиев каби сувчилар экинни қондириб сугормоқдалар. Чўлқуварлар 48 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштиришга бел боғлашган.

Х. НАЗАРОВ.

ПАХТАОБОД

«Маданият» совхозининг Ғанижон Нурматов бошлиқ бригадаси 120 гектарда деҳқончилик қилаётир. 70 гектарда ғўза, 24 гектарда беда ўстирилмоқда. Арпа ва картошкадан яхши ҳосил олинди, беданинг иккинчи ўрими ниҳоясига етказилмоқда.

Коллектив ғўза парваришини намунали ташкил этган. Механизаторлар Ҳошимжон Ғаффоров, Шаҳобиддин Маматов, сувчилардан Иноможон Раҳмонов, Шерали Сайфуддинов, Абдуҳамид Ҳайдаров, ишчилардан Арофат Нурматова, Комил Арабов ва бошқалар агротехника тадбирларини амалга оширишда ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Пахтакорлар давлатга пландаги 221 тонна ўрнига 245 тонна оқ олтин ҳадя этишга қарор қилганлар.

М. ТУХТАНАЗАРОВ.

ЯНГИҚУРҒОН

Район деҳқонлари бу йил она-Ватанга 10 минг тоннадан зиёд оқ олтин етказиб беришга бел боғлашган. Шу кунларда барча хўжаликларда ғўза парвариши уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ильич номли совхозидан Иброҳим Каримов бошлиқ бригада тўртинчи комплекс ишловни тугаллаш арафасида. 60 гектар ерда деҳқончилик қилаётган бу коллектив 155 тонналик пахта хирмони яратишни кўзлаган. Механизатор Олимжон Хусанов, ишчилардан Мамлакат Маткаримова, Абдулқосим Сувонов кунлик топшириқни пишиқ-пухта бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Н. ХОЛМАТОВ.



Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз чўлқуварлари ғўза парваришини оби-тобида ўтказмоқдалар. Узоро меҳнат беллашувида 6-бўлимнинг учинчи бригадаси илғорликни қўлдан бермаётир. Коллектив бу йил 191 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган. Айни пайтда бригадада ниҳолларга тўртинчи ишлов берилмоқда. Умуман бўлим далаларида 14 та культиватор билан кунига 80—90 гектар майдондаги ғўзалар ишловдан чиқарилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Звено бошлиғи Рустам Ўрталиев. 2. Ғўзага ишлов берилмоқда. 3. Агроном Толиб Тешаев ва бўлим бошқарувчиси Озод Ризбоев пайкалда.

В. ТЎРАЕВ фотолари.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

ЯШИЛ КОНВЕЙЕР ҲАРАКАТДА

Адасликларнинг яхши одатлари бор. Бирор ташаббусни бошлашдими, охирига етказмай қўйишмайди. Масалан, ўтган йили озуқа тўплаш мавсумида деҳқонлар билан чорвадорлар биргалашиб бошлаган ташаббус резерв ва имкониятларни кенг очяапти.

Ўтган йили ҳар бош соғин сигир маҳсулдорлигини салкам 3 минг килограммга етказган чорвадорлар бу йил ана шу рақамни янада оширишга аҳд қилганлар.

Ҳозир чорвадорлар ва озуқачиликка ихтисослашган бўлим ишчилари учун қайноқ, долзарб палла. Бутун куч бу йил 1.026 тонна сут ишлаб чиқариш, давлатга 53.8 тонна гўшт, 140 минг дона тухум етказиб бериб, бу соҳада рентабелликка эришишга сафарбар қилинган. Бу маррани мустаҳкам озуқа базасини яратмай туриб эгаллаб бўлмайди.

Совхознинг сўлим Адас қишлоғи атрофидаги озуқа етиштирувчи бўлимни ёш мутахассис, коммунист Эгамберди Худойбердиев бошқаради. Бўлим майдони 441 гектардан иборат. Унинг 180 гектари кўп йиллик бедазор, 56 гектарни янги бедапоя. 26 гектарини ғалласор ташкил этади. 96 гектар майдонда силос, 40 гектар майдонда дон учун маккажўхори ўриб олинди. 32 гектар ердаги озуқабоп лавлаги ва бошқа экинлар яхши парвариш туфайли барқ уриб ўсаётир.

Оралиқ экинлар кузда экишдан олдин ерга етарли маҳаллий ўғит, гектарига 150 килограммдан азот солинди. Баҳорда суғорилди. Парвариш яхши бўлгач, ҳосил чўғи ҳам ошади. Хусусан, 24 гектарда экилган «Зафар» навли арпа маҳаллий шароитга жуда мос тушди, баланд ва бўлиқ ўсди. Натижада пландаги 90 ўрнига 250 центнердан кўкпоя етиштирилди. Ҳосили йиғиб олинган 97 гектар майдонда силос учун маккажўхори экиш жадал бошлаб юборилган. Такрорий экиннинг гектаридан 300 центнердан кўкпоя етиштириш ва жами 2.910 тонна силос бостириш кўзда тутилган.

Бўлимда механизаторлар, барча ишчиларга қулай шароит яратилди. Тушда иссиқ овқат, чой ташкил қилинмоқда. Беда ўримига 2 та КСК—100 комбайни, 15 та тележка жалб қилинди. Барча майдонлардаги озуқани Раҳим Умаров, Фозил Ҳайдаров каби комбайнчилар қисқа муддатда ўриб беришди. Уни манзилга ташишда Аҳрор Камолов, Ҳусан Неъматов, Субҳон Жабборов, Шариф Бердиев, Ҳотам Ражабов, Даврон Эркинов, Маъруф Бобоёров, Рўзиқул Жумаев, Мардон Норбоев, Шариф Зарипов, Худойназар Ғаниев ва бошқа тележкачилар алоҳида ғайрат ва ҳиммат кўрсатишди.

Пешма-пеш ташиб олинган кўкпоялар ферма ҳовлисидаги бир йўла 1,5 минг тонна озуқа бостириладиган бетон чуқурларга солиниб, консервацияланди. Ёзда ҳам, қишда ҳам емиш сифати, таъми ўзгармайди, бир хил сақланади.

Бу ерда барча ишлар бригада ва звено пудрати асосида ташкил этилган. Ўтган йили бўлим озуқа етиштиришдан пландаги 199 минг сўм ўрнига 234 минг сўм даромад кўрди. Соф фойда 34 минг сўмдан ошди. Кўпгина оилавий звеноларнинг йил якунида 4—8 минг сўмдан иш ҳақи олишди. Бу йилги даромад эса 250 минг сўмдан кам бўлмайди.

Умурзоқ Жуманов бошлиқ бригада биринчи ўримдаёқ 534 тонна, Абдураҳим Ҳамидов 160 тонна, Абдушароф Жабборов 1.067 тонна, пудрат асосида ишловчи Жўрақул Шарипов звеноси ишчилари 4 гектар бедазорнинг гектаридан 200 центнердан, Алиқул Розиқов бошлиқ оилавий звено деҳқонлари 11 гектар майдондан 420 тонна кўкпоя топширишди.

Ҳа, Самарқанд районидаги «Партия XXV съезди» совхоз-заводининг адаслик озуқа етиштирувчи бўлим ишчилари қайноқ паллада ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
Х. ҲАКИМОВ.

НОРҚУЛОВ ҒАЛЛАСИ

Ўрим-йиғим ҳали авжида-ю, Гулистон районидаги «Узбекистон» колхозидан Н. Норқулов оилавий звеносининг аъзолари мавсум тугаганидан сўнг мўмайгина мукофот олишларини яхши биладилар. Дастлабки ҳисоблар звено иш ҳақи фондининг ва моддий техника ресурсларининг анча қисмини тежаганлигини кўрсатмоқда.

Йил бошида шартнома тузиб олишдан на колхоз, на пудратчи звено зиён кўрди. Асосий майдонни эгаллаб турган кузги арпа ҳосили пландан 7 центнер юқори. Буғдойзорда ҳам яхши ҳосил етилди.

Ҳозир оилавий звено қарийб 80 тонна сара буғдой ўриб олишдан иборат мажбуриятини бажариш учун курашмоқда. Кузга борганда дала силосбоп маккажўхори кўк массаси эҳолида иккинчи ҳосилни ҳам беради.

ОШКОРАЛИК, ДЕМОКРАТИЯ КЎПРОҚ БЎЛСИН

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг делегати, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев 22 июнь куни Тошкентда республика оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди.

Учрашувда республика партия ташкилотларида авж олиб кетган Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик ишларининг бориши таҳлил қилинди. Бу тайёргарлик фақат умумпартиявий эмас, шу билан бирга умумхалқ тусини олганлиги қайд қилиб ўтилди. Ўн мингдаб ва юз мингдаб коммунистлар ҳамда партиясизлар, Узбекистон меҳнаткашларининг кўпчилиги КПСС Марказий Комитети Тезисларини муҳокама қилишга фаол қўшилдилар. Партия марказий органларига, газета ва журналларнинг редакцияларига меҳнаткашлардан келаётган таклифлар ва мулоҳазалар билдирилган жуда кўп хатлар Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакат коммунистларининг яқинлашиб келаётган анжуманига зўр қизиқиш билан қараётганликларидан далолат бериб турибди. Оммавий ахборот воситалари, деб таъкидланди учрашувда, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаши лозим.

В. П. Анишчев журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

КИТОБ НАШРДАН ЧИҚДИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти тайёрлаган «К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин. Демократия тўғрисида» китоби нашрдан чиқди.

Бу нашр китобхонларни марксизм-ленинизм классикларининг демократия тўғрисидаги, энг муҳими жамиятни бошқаришнинг демократик принциплари ҳақидаги асосий ғоялари билан таништиради. Китобга Маркс, Энгельс, Ленининг демократия моҳиятига тааллуқли қарашлари, жумладан демократиянинг акси сифатида бюрократизм ва шахсга сиғиниш таҳқиди киритилган. Китобда демократия ва жамиятни коммунистик қайта қуриш нисбати, пролетар, социалистик демократиянинг умумий таърифи кўриб чиқилади, буржуа демократияси таҳқиди қилинади. Нашрга ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг демократик принциплари, демократик централизм, демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар, сайлаб қўйиш, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид тўғрисидаги, жамият ҳаёти турли соҳаларидаги демократия ҳақидаги материаллар бор. Бўлимлардан бири Коммунистик партия фаолиятининг демократик характерига ва партия ички демократиясига бағишланган.

Халқнинг ўзини ўзи бошқариши, давлат аппарати фаолиятининг демократик принциплари, янги тузумни қуриш жараёнида давлатнинг жамиятдан ажралиб қолиш эҳтимоллигининг олдини олиш, пролетар, социалистик давлат бюрократлашувига қарши кураш, халқ оммаси социал активлигининг ўсиши, қарорлар қабул қилишда, жамиятнинг барча ишларида оммаанинг иштирок этиши, партия ички демократиясини ривожлантириш ва шу каби ҳозирги шаротида ғоят актуал ҳисобланган мавзулар ҳам китобда ўз ифодасини топган.

Китобда марксизм-ленинизм классикларининг умумий назарий фикрлари, уларнинг Париж коммунаси тажрибасига доир умумлашмалари ҳам. Ленининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси, Совет ҳокимиятини ўрнатиш дастлабки йиллари, янги жамият қарор топиши практикасига оид таҳлили ҳам келтирилган.

Китоб илмий ходимлар, ўқитувчилар, идеология кадрлари, партия активларига, кенг китобхонларга мўлжалланган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

КАРАМНИНГ БОЗОРИ КАСОД

Навоий областидагилар мамлакатнинг турли томонларига телеграмма юбориб ва телефон қилиб, «Янги карам керакми?» дейишмоқда.

Область агросаноат комитети мутахассисларининг куйиб-пишганича бор —карам тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётибди, кейинги бир неча йил ичида етиштирилганига қараганда ҳам кўпроқ ҳосил етиштирилди.

...Агросаноат комитетидаги арбоблар областда ҳамиша эртанги карам етишмаётганлигини, ниҳоят, уқиб олишганидан кейин «кўпроқ экиш керак», деб буйруқ беришди. Яна ўша, аллақачон қораланган ишнинг ўзбошимчалик усули қўлланилди. Агросаноат комитети ҳам, савдо шохобчалари раҳбарлари ҳам бозорнинг эҳтиёжларини ўрганиб ўтиришгани йўқ. Дағдаға билан буйруқ берилганидан кейин хўжаликлар карам экиладиган майдонларни кўпайтиришди. Холисона шуни ҳам айтиб ўтишимиз керакки, колхоз ва совхозлар ана шу буйруққа унчалик монелик қилишгани ҳам йўқ, чунки илгари карамдан катта фойда кўрилган эди. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, дейишганидек, бозорнинг эҳтиёжига қараб иш тутмаслик оқибатида етиштирилган ҳосилни сотиб оладиган одам йўқ.

Ҳозир область марказидаги барча сабзавот дўконларида карам уйилиб ётибди, карам чиримоқда, далалардан эса ҳосил кетма-кет келиб турибди.

— Қани энди шу ҳосил кузда, карам тузланаётганда бўлса эди, — дейди Навоий область матлубот союзи раисининг ўринбосари Э. Эргашев. — Ҳозир эса одамлар бир-икки бош карам харид қилишмоқда. Буларни асраб бўлмайди, сифати бузилади. Икки ҳафта деганда, карам сотиш ярим йиллик планини бажаришни мўлжаллаб турибмиз.

Киши танг қоладиган аҳвол содир бўлди: Навоий кон-металлургия комбинатининг ишчилар таъминоти бошқармаси карам ҳамиша тақчил бўлишини назарда тутиб, ҳар йили четдан сотиб олар эди. Бу йил ҳам шундай бўлди. Бу ерда етиштирилган карамни қўярга жой йўқ, кончиларга эса уни Сурхондарё областидан ташиб келтиришмоқда. Ўша ердан 200 тонна маҳсулот ташиб келтиришнинг ўзигагина 45 минг сўм сарфланди.

Кўриниб турибдики, карам «доғда қолдирди». Айни вақтда Навоий шаҳрига петрушка, укроп, бодринг, помидор ва меваларни бошқа областлардан ташиб келишмоқда. Область агросаноат комитети ва савдо шохобчаларининг раҳбарлари бири «боғдан», иккинчиси «тоғдан» келиб, умумий тил топиша олмаяпти, Навоий области меҳнаткашларининг эҳтиёжларини инобатга олиб, режани расамади билан тузишмаяпти.

С. РУХМАЛЕВ,
ЎзТАГ мухбири.



Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозида ғалла ўримйиғими қизитилмоқда. 4-йириклаштирилган бригаданинг Ўктам Жўраев бошлиқ звеноси ғаллакорлари 44 гектар майдонда бугдойдан баракали ҳосил етиштирдилар. Бу йил коллектив гектаридан пландаги 26 центнер ўрнига 40 центнердан хирмон кўтаришни мўлжалламоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир комбайнчи Қўчқор Очилов. 2. Тракторчи Тиркаш Шерматов. У дон ташишда ғайрат кўрсатмоқда. 3. Ўрим пайти.

У. ҚУШВОҚОВ фотолари.

Фан—ишлаб чиқаришга

ИП ПИШИҚРОҚ БЎЛАДИ

Маълумки, сунъий ипни калавага, ундан сўнг газмол ёки трикотажга айлантиришдан олдин унга қўшимча ишлов бериш керак. Фарғона политехника институтининг олимлари бу ердаги химиявий тола заводи мутахассислари билан биргаликда шу мақсад учун самарали қурилма ишлаб чиқдилар.

Ҳозирга қадар тўқимачилик ишлаб чиқариши практикасида ипни мойлашнинг бир неча усули бор эди. Аммо уларнинг ҳаммасига битта умумий камчилик хос эди: ишлов бериш текис чиқмайди, бу эса калава сифатини пасайтириб юборади. Фарғоналиклар яратган содда қурилма ип бир текисда мойланишини таъминлайди ва ишлов бериш режимини ростлаш учун катта имкониятлар беради.

Ишлаб чиқариш синовларининг кўрсатишича, бу янгилик тайёрланадиган ипни пишиқ қилади, меҳнат сарфини камайтиради. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, Фарғона химиявий тола заводида бундай қурилмадан фойдаланиш йилига ўн минглаб сўм иқтисодий самара беради.

Бу иш СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бронза медалга сазовор бўлди, қурилма Греция ва Хитой Халқ Республикасидаги саноат виставкаларида кўрсатилди. Ҳозир Волжск «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ва мамлакатдаги бошқа турдош корхоналарнинг мутахассислари бу янги қурилмага қизиқиб қолдилар.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

МИНГ ИШЧИГА БИР БОШЧИ

Бунга ўн бир йил бўлди. Н. В. Будзиевский сўлим Фарғона водийсида ишлаб юрарди. Республикамизнинг йирик корхоналаридан бири — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қиларди. Иккинчи разрядли оператор ёрдамчисидан завод бош инженери ўринбосари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган, бу соҳада анча-мунча тажрибага эга мутахассис эди. Кўкрагини ҳалол хизмати эвазига олган Меҳнат Қизил Байроқ ордени безади.

Умуман иши ёмон эмасди. Лекин Николай Викторовичда қўрқдаги заводга бориб ишлаш орзуси туғилди. У Муборакка келганда газни қайта ишлаш заводи эндигина оёққа тураётган эди. Корхона раҳбарлари йигитни бош технолог вазифасига тайинлашди. Ишлаб чиқаришда ҳосил қилинган кўникма, одамлар билан тиллаша олиш қобилияти, ташкилотчилик маҳорати уни элга танитди, халқ эътиборига тушди.

Николай Викторович завод раҳбарлари, партия комитети берган топшириқларни бенуқсон бажарди. Ўзи бошчилик қилаётган соҳада ишларнинг аҳволи учун жон куйдирди. Технологик жараёнда узилишлар, қайта ишлаш цехларига маҳсулотнинг етиб бормаслиги одат тусига қириб қолган эди. Бунга тоқат қилиб бўлмасди. Палапартишликлар планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига халақит бераётганди. Николай Викторовичнинг куюнчаклиги, тиришқоқлиги ўз самарасини кўрсата бошлади. Заводда газни қайта ишлаш ҳажми аста-секин оша борди. Меҳнат ютуқлари кўпайди.

Уни завод директорлигига тавсия этиб янглишмаган эканлар. Эндиликда Н. В. Будзиевский коллективнинг ишончини оқлаяпти. Ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён этмоқда. Мамлакатимиз газ саноатининг йирик корхоналаридан бири бўлган бу заводда иш маромида узилишлар бўлмаяпти. Оловкорлар раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти одамлар билан мулоқотда, планларнинг бажарилишида кўзга яққол ташланмоқда.

Очиғини айтганда, директорни мен бошқача тасаввур қилган эдим. У салобатли, тунд қиёфадаги киши бўлса керак, деб ўйлагандим. Биринчи учрашувдаёқ бу фикр тумандек тарқалиб кетди. Н. В. Будзиевский дилкаш, очиқ чеҳрали одам экан. Барча саволларимга аниқ ва лўнда жавоб берди. Гап ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва завод коммунистларининг меҳнатига бориб тақалганида тўлқинланиб сўзлай бошлади:

— Корхонамиз 1985 йилдан буён фойда келтириб ишламоқда, — деди у. — Ўтган давр ичида заводда ишлаб чиқариш технологияси ва давлат интизоми мустаҳкамланди. 1987 йили газни қайта ишлаш 1985 йилдагига нисбатан 40 процент ошди. Олтингугурт ишлаб чиқариш 264 тонна, маҳсулотни реализация қилиш эса 77 миллион сўм кўпайди. Завод эндиликда областдагина эмас, балки мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бирига айланди.

Бу улкан ютуқларни қўлга киритишда оловкорлар саркори, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари соҳиби, СССР Министрлар Совети мукофотининг лауреати Н. В. Будзиевскийнинг катта улуши бор.

Ишчанлик, ҳамиша эл ташвиши билан яшаш унга ҳурмат келтирмоқда. Н. В. Будзиевский Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ревизия комиссиясининг аъзосидир. У Муборак шаҳар партия комитети бюроси аъзоси, область партия комитетининг аъзоси сифатида ҳам катта жамоат ишларини адо этмоқда. Николай Викторович социал-иқтисодий масалаларни ечишда бош-қош бўлмоқда. Муборак шаҳрида қад кўтарган маданият ва истироҳат боғи қурилишига унинг кўп меҳнати сингган.

Корхона совет халқлари интернационал дўстлигининг чинакам марказига айланган. Бу ерда 40 га яқин миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилишмоқда. Заводда ўн иккинчи беш йиллик учинчи йилининг дастлабки кварталида пландан ташқари 400 миллион куб метр газ қайта ишланди, 30 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилди. 5 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Оловкорлар айни кунларда ҳам зардорчасига ишламоқдалар. Улар Вутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Беш ойлик план асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб уддаланди. Коллектив партия анжуманига қадар ярим йиллик планни бажариш учун астойдил ҳаракат қилаяпти.

Н. В. Будзиевский учун корхона ҳақиқатдан ҳам иккинчи уйга айланган. Бу ерда рафиқаси Лариса Владимировна ва қизи Юлия у билан елкама-елка туриб тер тўкмоқдалар. Бир корхонада бутун бир оиланинг хизмат қилиши ишчи сулоласининг ҳақиқий рамзи.

Заводнинг истиқболи порлоқ. 1990 йилга бориб, бу ерда 20 миллиард куб метр газ қайта ишланади, 20 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Корхонанинг иттифоқ миқёсидаги зафарлари коллективга шонш-шуҳрат келтирмоқда. Заводда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида коммунистлар, ишчилар ва инженер-техник ходимлар завод директорининг номзодини яқдиллик билан конференция делегатлигига кўрсатдилар. Қашқадарё область партия комитетининг пленумида Н. В. Будзиевский яқдиллик билан Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат қилиб сайланди. Ҳалол меҳнат уни эл эъзозига сазовор этаяпти.

Б. ҚУНҒИРОВ.

САРА ИШЛАШМОҚДА

Ғўзалар ям-яшил товланади. Ариқчалардан жилдираб, ялтираб оқаётган оби ҳаёт ниҳолларнинг бўғзигача тупроқни намиқтирган. Сувчилар навбатдаги жўякларга сув тараш билан банд. Улардан бири қулоқ боши чеккаларига чим бостираяпти.

— Ҳорманг!

— Бор бўлинг, келинглар, — сувчи бизга пешвоз юрди.

— Пайкал қачон қўлдан чиқади, — сўради ҳамроҳим бригада бошлиғи, халқ депутатлари Бухоро область Советининг депутати Ҳазратқул Қўлдошев.

— Тонгга қадар уринамиз, бригадир. — деди бош сувчи Саттор Ҳамдамов. — Сувнинг юриши қийин бўлаяпти.

— Нариги карта ҳам сувталаб бўлибди, — оқиста имо қилди бригадир.

Шу пайт уватдаги транзистордан дикторнинг овози янгради: «Ғиждувонлик азамат пахтакорлар! Тингланг, сизлар учун қўшиқлар эшиттирамиз». Зум ўтмай пахтазор узра дилрабо қўшиқ таралди.

— Бизларни эслашибди, — деди бригадир сувчиларга. — Яхши куй-қўшиқ жоннинг роҳати.

— Нимасини айтасиз, ҳордиқни чиқариб юборади, — деди Саттор ака.

Ғиждувон районидаги «Ленинизм» колхозининг Ҳ. Қўлдошев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил ўзгача куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. У асли механизатор эди, чигит экишдан ҳосилни териб олгунча тиним билмасди. Шу йил қишда коммунистлардан Холиб Латипов, Ортиқ Тошев, Руқия Ҳамроевалар уни қолоқ участкага бригадирликка кўрсатдилар. Бултур у ердан колхознинг ўртача кўрсаткичидан 14 центнер кам ҳосил олинганди.

Ҳозир коллектив 58 гектар майдонда ғўза ўстирмоқда. Азаматлар 145 тонна сифатли оқ олтин сотишни мўлжаллашган.

— Еримиз дарёнинг эски ўзани ўрнида, — дейди Ҳазратқул ака. — Тупроқнинг мелиоратив ҳолати ёмон, кўп меҳнат талаб қилади. Оилавий пудратни жорий этганимиз катта ёрдам бераяпти. Одамлар ишни астойдил бажармоқдалар. Бригадамиз Латиф Жамолов бошлиқ коллективни ўзаро мусобақага чақирган. Ортда қолмасликка ҳаракат қилмоқдамиз.

Бригада пахтакорлари дала ишларини сифатли ўтказмоқдалар. Майдонлар бут, ниҳоллар баравж ривожланмоқда. Ҳозиргача қатор ораларига уч марта комплекс ишлов берилди, ғўзалар икки бор озиқлантирилиб, дастлабки сувдан чиқарилмоқда.

Колхознинг бошқа бригаталарида ҳам экин парвариши агротехника қоидалари асосида олиб борилаяпти. Суғориш, озиқлантириш, культивациялаш ва бошқа тадбирлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Беш йиллиқнинг учинчи йилида оқ олтиндан баракали хирмон яратиш хўжалик меҳнат аҳлининг ягона ниятидир. Шу мақсад ила саратонда сара ишлашмоқда.

В. НОСИРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ХАРЬКОВ. Харьковлик ҳайдовчилар хўжаликлардан сутни қайта ишлашга пешмапеш олиб кела бошладилар. Харьковдаги 2001-ихтисослашган автотранспорт корхонаси уни республикада биринчи бўлиб, жорий этди. Ҳар бир машинага аввалгидек битта эмас, балки бир нечтадан ярим прицеп бириктиб қўйилди. Илгари фермалардан олинган сут аввал стационар цистерналарга қуйилар, шундан сўнг машина цистерналарга ҳайдаб ўтказилар эди. Натижада маҳсулотнинг сифати ёмонлашиб кетарди. Ҳозир эса сут соғилиб бўлиши биланоқ, автомобиль цистернасига қуйилмоқда. Бу янгилик ҳайдовчиларнинг меҳнат унумдорлигини уч баравар оширишга, йил бошидан бери неча ўн минг литр ёнилғини тежашга имкон берди.

* * *

КУЙБИШЕВ. Область ижроия комитети жамоатчиликнинг истакларини назарда тутиб, ветеранлар учун мавжуд имтиёзларга қўшимча яна бир имтиёз жорий этди. Эндиликда Куйбишев областида яшовчи Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари таксидан ҳамма хил шаҳар транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлди. Юз мингдан кўп собиқ фронтчи ана шу имтиёздан фойдалана олади.

* * *

ОРСК. (Оренбург области). Етти тоннали трактор прицепининг борти автомат тарзда ишлайди ва шинаси тупроққа босим энг оз тушишини таъминлайди. Орск трактор прицеплари заводининг полигонида ана шу янги конструкциядаги тележка яратилди ва синаб кўрилмоқда. Ёнилғи ва мой сарфи аввалгича бўлгани ҳолда янги агрегатларда мавжуд моделларга нисбатан икки баравар кўп юкни ташиш мумкин.

* * *

КИРОВОБОД (Озарбайжон ССР). Бу ердаги «Медик» кооперативининг врачлари ишда шарқ медицинасининг рецептларидан фойдаланмоқдалар. Бемор малакали консультация олгач, шу ернинг ўзида даволаш курсидан ўта олади.

МАРКОВО (Вологда области). Кооператив «Ўют» мотелини ташкил этувчилар йўлдаги автомобилчиларнинг тунаши тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Мотель Москва—Вологда трассасида очилди. Кооператорлар яқин атрофдаги совхозлар иккі қаватли ғишт уйни ижарага олиб унда меҳмонхона номерларини жиҳозладилар. Атроф қишлоқларининг ёшларига эса каминли кафе ёқиб қолди. Кооператорлар яқин келажакда мижозларга кўрсатиладиган хизматларни кенгайтиришмоқчи. Автоҳаваскорларга техник ёрдам хизматини очиш, автомобиль тўхташ жойини қуришга қарор қилинди.

* * *

КРАСНОГОРСК (Мари АССР). Йошкар-Ола—Қозон трассасидаги автомобилларга бензин, мой қуйиш станцияси ҳайдовчиларнинг истаклари инобатга олиниб қурилди. Станция бир неча хўжаликка борладиган йўллар чорраҳасида қурилган. Янги станция бир кеча-кундузда 1000 га яқин автомобилга хизмат кўрсата олади. Ҳозир Йошкар-Ола — Чебоксар йўлидаги янги станция ҳам ишга тушай деб турибди, шахсий транспорт эгалари учун ҳам шундай станция қурилмоқда. Яқин орада Юрино, Куженера, Октябрь, Емешево ҳамда бошқа қишлоқлар ва ишчилар посёлкаларида ҳам автомобилларга бензин ва мой қуйиш станциялари очилади.

* * *

ТАЛЛИН. Кўпни кўрган одамларнинг таъкидлашича, Таллин ратушасида бундай кўргазма бу яқин орада бўлмаган эди. Ратуша заллари неча ўн йилдардан кейин биринчи бор очилди, бу ерга келган кишилар ўрта аср санъати ва рўзғор ашёлари билан танишмоқдалар. Экспонатлар орасида узунлиги 9 метр бўлган деворга осиб қўйиладиган суратли гилам, ноёб ўйма нақш солинган кўҳна ўриндиқлар, XV асрда яшаган кишиларнинг мумдан ясалган ҳайкалчалари бор. Бу ерда совет ва чет эллик созандалар концертлар қўйишмоқда.

(ТАСС).

ҲАМ МИҚДОР, ҲАМ СИФАТ

Партия XXVI съезди номли совхоздан И. Наимов звеноси ходимларини оила пудрати ем-хашак сифати тўғрисида жон куйдиришга мажбур қилди. Чунки хўжалик маъмурияти билан тузилган шартномага мувофиқ оилавий звенолар ўзлари етиштирган пичан ёки силосининг ҳар бир центнери учун эмас, балки етиштирилган озуқа бирлигининг ҳар бир тоннаси учун ҳақ оладилар. Меҳнатга ҳақ тўлашда маҳсулот сифатининг кўзда тутилиши яхши натижа бермоқда. Ўрилган беда лабораторияда анализ қилинганда, унинг ҳар бир килограммида ярим килограммгача озуқа бирлиги борлиги маълум бўлди. Пичанда протеин миқдори ҳам кўп.

Звено саккиз кишидан иборат, унга 5 та трактор ва 6 та қишлоқ хўжалик машинаси бириктиб қўйилган. Деҳқонлар 140 гектар ерда кузги жавдар, беда ва жўхори етиштирмоқдалар. Улар ҳар гектаридан 85 центнер озуқа бирлиги олиш юзасидан мажбурият қабул қилганлар. Ҳозир механизаторлар беданинг иккинчи ўримини бошладилар.

Колхозда ҳозир оилавий звеноларга айрим экинлар эмас, балки алмашлаб экиш участкалари бириктиб қўйилган. Ем-хашак етиштиришни пудрат усулига ўтказиш ҳозир, ёз бошларидаёқ икки минг тоннадан кўпроқ сифатли ем-хашак жамғаришга имкон берди.

Бухоро области.

ҚАНДОЛАТ ЦЕХИ

Сариосиё районининг маркази — Узун посёлкасида ташкил этилган янги қандолат цехи дастлабки маҳсулот берди. Цех ҳар сменада 500 килограмм карамель тайёрлашга мўлжалланган. Бу маҳсулот район савдо корхоналарида сотилади. Сариосиё район ва Денов шаҳар матлубот жамиятлари яна иккита цехни жиҳозлашни режалаштирмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Қайта қуриш чорраҳаларида

ҲАЛИ РЕЗЕРВЛАР КЎП

СССР 50 йиллиги номли «Қарақалпакагроспецремонт» бирлашмасининг механика цехи коллективи беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари адо этиб, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига олган мажбуриятини бажарди. Коллектив шу давр мобайнида 2,3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади, бу уч йиллик программада белгиланганидан кўпроқдир.

Ходимлар меҳнатини аниқ пухта, илмий негизда ташкил этишга имкон берган бригада пудрати муваффақиятни таъминлади. Коммунист А. Цой бошчилик қилаётган электр моторларини ремонт қилиш цехининг коллективи ўзи ўз сўзининг устидан чиқди. Бу коллектив июннинг бошларида уч йиллик ишлаб чиқариш программасини бажарди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган мусобақада мотор цехининг пайвандчиси А. Дерняев, авторемонт цехининг слесари В. Замешаев ибрат бўлдилар. Улар ҳозир келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

— Бу муваффақиятлар ҳар бир ишчимиз иложи борича кўпроқ маҳсулот тайёрлашга интилаётганлигининг натижасидир, — дейди бирлашма бош директори А. Пяк. Агар планлаштириш, таъминот ва меҳнатга ҳақ тўлаш системаси янги хўжалик механизмининг талабларига мос тушганида, бу кўрсаткичлар яна ҳам юқорироқ бўлиши мумкин эди. Ҳозирча иқтисодий ислоҳот таъсири кўнгилдагидек бўлаётгани йўқ. Масалан, биз меҳнатга ҳақ тўлаш нормативларини қайта кўриб чиқдик. Эндиликда бу нормативлар туфайли ишчиларга талабчанлик оширилди, улар ҳам шунга шай бўлиб турган эдилар. Банк эса эски инструкцияларни рўкач қилиб олиб, иш ҳақи фонди ортиқча сарфланмаслиги устидан назорат қилиб турибди. Планни роппа-роса 100 процент бажарсак, бизга шу фойдали вариантга ўхшаб қолди, агар иш ҳақи фондини ўзгартирмасдан, план ошириб бажарилса, ходимларнинг даромади қирқилади.

Хом ашё, эҳтиёт қисмлар етказиб беришда ҳам аҳвол ана шундай. Ҳамма нарса планни бажариш учунгина ҳисоблаб берилади, уни ошириб бажариш имкониятлари назарда тутилмайди. Таъминот яхши ишлаганида ҳам бекор туриб қолиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Масалан, жорий топшириқни ошириб бажарган механика цехида металл тугаб қолди, мазкур цех бир ойга яқин муддат бекор турди. Лекин ҳар қалай хом ашё етказиб бериш бир маромда бўлмаганлиги сабабли шундай бўлмоқда. Чунки таъминот кварталга мўлжаллаб планлаштирилади. Квартал бошида эҳтиёт қисмлар ёки материал бўлмайди, иш тўхтаб қолади. Маҳсулот етказиб берувчиларга жарима ҳам сола олмаймиз. Иккинчи ой охири ва ҳатто учинчи ойда зарур нарса олинганидан кейин эса «чоп-чоп» бошланади. Лекин хом ашё етказиб берувчига жарима солишдек жазо чораларини кўра олмаймиз, чунки квартал якунларига кўра шартнома бажарилган, деб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам планлаштириш, таъминот системаси пухтароқ бўлиши керак. Янгича ишлашга ўтиш чоғида меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларига оид эскириб қолган инструкциялар ва нормативларни бекор қилиш лозим бўлур эди. Бу ўринда олға қараб ҳаракат қилишимиз учун жуда катта резерв бор. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида иқтисодий ислоҳотнинг бориши муҳокама қилинаётганида ана шу масалаларга диққат-эътибор берилишини истар эдик.

П. ВОДОЛАЗОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ИССИҚ НОН СИРИ

КАСБИНГ — ФАХРИНГ

Марҳамат нон комбинати дарвозаси ёнида очилган янги «Иссиқ нон» магазини доимий ишлайдиган кўргазма-савдога айланди.

Магазин пештахталарида эллик хилга яқин нон, булка ва қандолат маҳсулотлари бор. Шуларнинг учдан бир қисми ишлаб чиқариш бу йил ўзлаштирилган янги маҳсулотлардир.

Ичига ёғ солиб тайёрланган «Баҳор» патири, турли булкалар, шарқ ширинликларини аҳоли зўр иштиёқ билан харид қилмоқда.

— Шу кичкина магазинда ҳар ойда 25 минг сўмлик савдо бўлишини ҳатто кутмаган эдик, — дейди Марҳамат район матлубот союзининг раиси Э. Аҳмедов.— Чамаси нон сифатининг яхшилиги, магазин Ўш—Тошкент йўли бўйида жойлашганлиги фойда қилди.

У ўз гапини тасдиқлаш учун Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон номерлари илинган машиналарни кўрсатди. Ёшгина савдо ходимаси янги шикоят ва таклифлар дафтарини узатди. Унда фақат харидорларнинг миннатдорчилик сўзлари битилган. Баён услуби турлича бўлса ҳам, мазмуни бир хил, уларнинг ҳаммаси марҳаматлик новвойлар шаънига ёзилган. Таваккал қилиб дафтарнинг бир саҳифасини очамиз: «Новвойлик — бу санъат. Бундай мазали, хушбўй нон ёпаётган кишилардан ғоят мамнунмиз. А. Каманина. Фарғона шаҳри».

Марҳаматлик новвойлар сирини билиб олиш умидида нон комбинатига қадам қўйдик. Собиқ рус қишлоғи ҳисобланган Марҳаматда нон цехи ўтган асрнинг охирида ташкил қилинган. Ҳозир у реконструкция қилинган албатта, эндиликда аъло маҳсулот бермоқда. Унинг ёнида замонавий механизмлар билан жиҳозланган янги нон-булка ва қандолат цехлари қурилган.

Комбинат коллективи билан яқиндан танишиш, муваффақиятнинг сири ҳар бир новвойнинг меҳнатсеварлигида эканлигига бизни ишонтирди. Новвойлар ўз корхонасининг маркаси ва шарафи учун масъулиятни ҳис этиб, нон ёпиш технологиясига доимо қатъий амал қилмоқдалар. Бу ерда ходимлар учун барча меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилганлиги: ҳар бир цехда душхоналар, дам олиш хоналари қурилганлиги, фавворалар отилиб турган катта боғ, ёрдамчи хўжалик ташкил этилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси унумли ва ижодий меҳнат қилишга ёрдам бермоқда.

Риштон районидаги «Риштон» совхози экскаваторчилари Фаррух Ҳамзаев ва Сервер Алиевлар шу хўжаликда узоқ йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар ариқзовурлар қазишда, суғориш шохобчаларини тозалашда ғайрат-шижоат кўрсатиб, ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилашга муносиб улуш қўшишаяпти. Бу икки гидромеханизатор Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада олдинги сафда боришаётир.

СУРАТДА: моҳир экскаваторчилар Ф. Ҳамзаев ва С. Алиев.

Х. МЕЛИБОЕВ фотоси.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

21 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги рус тилини ўрганишни такомиллаштириш республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг «Рус тили» тармоқ комплекс программасини амалга ошириш борасидаги иши тўғрисида берган ҳисоботи муҳокама қилинди. Республика Маориф министрлигининг рус тилига тез ўргатиш борасида тажриба ўтказишга доир иши ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

БЎКАЛИКЛАР ҒАЙРАТИ

Фотолавҳа

Бўка райони хўжаликларида экинлар парвариши қизғин олиб борилмоқда. Айниқса пахтакорлар ғайратни оширмоқдалар. Қатор ораларига ишлов бериш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш, мароммида суғориш, пайкалларни бегона ўтдан тозалаш каби агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказидаяпти. Сабзавоткорлар ва боғбонлар пишиб етилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб, эл дастурхонига сара ҳолда тортиқ этиш пайида бўлмоқдалар.

Ғўза парвариши Фрунзе номли колхозда намунали йўлга қўйилган. Меҳнат аҳли дала ишларини ўзаро мусобақа асосида ташкил этмоқда. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига бошланган беллашувда Абдуғани САЛИМОВ (суратда) бошлиқ бригада аъзолари пешқадам. Бу коллектив жорий йилда 116 гектар майдонда «АН-Боёвут-2» нав ғўза ўстирмоқда.

— Гектаридан пландаги 28 центнер ўрнига 30 центнердан оқ олтин етиштириши кўзланганмиз, — дейди бригадир А. Салимов. — Мўлжалдаги ҳосилни тўплаш мақсадида курашиб кучайтираяпмиз. Барча пайкалларда ниҳоллар текис шоналаган, олди гулга айланмоқда.

Сувчилар ҳам ўз зиммаларидаги масъулиятни дилдан ҳис этиб, астойдил ишлашаяпти. Ниҳолларга оби ҳаёт тарашга тажрибали мирзачорлар жалб қилинган. Улардан бири Ҳикмат УСМОНХЎЖАЕВ шогирди Абдусаттор ИНОҒОМОВ билан (суратда) Пардабой Довудов бошлиқ бригада ғўзаларини суғормоқда. Улар биринчи навбатда сувни эрта-кечки тўхтатишади. Бу коллектив 100 гектар майдондан она-Ватанга 300 тонна хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олган.

Ильич номли колхозда эса пишган ҳосилни йиғиштириб олиш, эл дастурхонига ёз неъматлари тортиқ этиш авжида. Хўжаликда мева ва сабзавот сотиладиган дўкон ишлаб турибди. Колхоз аъзолари ундан истаган вақтда керакли маҳсулотни харид қилишлари мумкин. Дўкон сотувчиси Анорой НИШОНОВА (суратда) хушмуомалалиги, ҳожатбаролиги билан одамлар олқишига сазовор бўлмоқда.

З. ШОДИЕВ фотолари.

ВЛКСМнинг 70 йиллиги олдидан

Тошкент ҳарбий билим юртининг биринчи курсантлари Л. Куликов-Артемьев ва П. Мартемьянов 1919 йил 26 февралда Хўжакент қишлоғида аксилинқилобчилар билан бўлган тенгсиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар...

Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ,
ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН ҚОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

БИР ЖУФТ ЮЛДУЗ

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР

Отряд Ғазалкентга кечки пайт кириб келди. Қор босган қишлоқ мунгли ва бефайз. Кимсасиз кўчаларда изғирин ҳукмрон. Яланғоч дарахтлар шамолда силкинади. Ҳали оқшом тушиб улгурмаган бўлса-да, ҳамма дарвозалар берк. Атроф жим-жит. Ҳатто бегона иси олисдан пайқаб ҳурийдиган бўрибосар итларнинг ҳам уни ўчган. Бўғотига довур қор босган уйлар мўрисидан чиқаётган тутунни айтмаса, қишлоқда ҳаёт нишонаси деярли сезилмасди.

Олинган маълумотларга қараганда қишлоқда душман йўқ, шундай бўлса-да қуроллар шай, отряд жангга ҳозир алпозда эди. Қишлоқнинг ҳаддан ташқари сокинлиги қандайдир сирли, хавотирли.

Кутилмаганда тор кўча муюлишидан обкаш кўтарган киши чиқиб қолди. Ҳуркиб кетган отлардан бири эгарда ўтирганни йиқитаёзди. Милтиқ затворлари шарақлади. Енглари тўзғиган, жулдур чопонли, рангсиз матони қулоғигача бостириб ўраган мошгуруч соқолли одам саросимада тик қотди. Сўнгра йўл бериш ниятида қўзғолиб челакларини чайқатиб юборди. Яхдек сув эгнига тўкилганини ҳам сезмади. У чавандозларга қўрқув ва ҳайрат билан тикилиб турарди.

Жулдур чопонли кишининг ҳадиксираётганини англаган қора қошли курсант йигит ҳазиллашди:

— Уст-бошни шалаббо қилиб янгамдан балога қоладиган бўлдингиз-да, ога!

Енгил кулгу кўтарилди. Аммо ғазалкентлик кулмади. Булар кечаги сўхтаси совуқ босқинчилардан эмаслигини англаса ҳам, барибир ҳазилга қўшилмади. Қовоғини очмай пўнғиллади у:

— Ҳечқиси йўқ. Сув қон эмас, қуриса чопонда доғи қолмайди.

— Нега бундай деяпсиз? Наҳот биз қонхўрга ўхшасак? — деди отряд командири қўлини кўтариб аскарларга «жим» ишорасини қилар экан.

— Билмадим.

—Биз Тошкентдан келаяпмиз. Қизил командирлар тайёрлаш мактабиданмиз.

— Нима бўлгандаям, одамнинг оласи ичида дейдилар. Кечагиларнинг орасидаям қизил аскарча кийинганлар бор эди. Ўзимизникилар, деб ўйловдик. Улар бўлса...

Жулдур чопонли киши гапни тугатмай, аччиқланиб шартта тўғридаги эшикка кирди-да, ичкаридан тамбалади.

Қишлоқ Шўро қўмитаси инқилобдан сўнг қаёққадир ғойиб бўлган Ғанибойнинг ташқи ҳовлисига жойлашганди. Бир вақтлар ундай-бундай одам бош суқишга жазм этолмаган болохонали уйнинг дарвозаси эндиликда ҳамма учун очиқ эди.

1918 йилнинг кузига келиб Ғазалкентда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. «Қўшчи союзи» тузилди, деҳқону чорикорларнинг боши бирлашди, союз уларнинг манфаатини ҳимоя қила бошлади. Тошкентдан муаллим келди, янги мактаб очиб, унга болаларни жалб этди. Тўғри, ўз-ўзидан бўлмади бу. Ёш ўқитувчи Рашид Нигматуллин унсурлар таъқибида яшади, ҳатто бир неча бор қаттиқ калтакланди ҳам. Одамлар, энди у қайтиб кетса керак, деб ўйлашувди. Бироқ у ҳеч қаёққа кетмади. Мактабини ёпмади. Дарсга биргина бола келган кунлари ҳам ўқишни давом эттирди.

Шу тариқа қишлоқ аҳли ўртасида обрў топди. Сал ўтмай диний мактаб талабалари ҳам Нигматуллиннинг ҳузурига кела бошлашди. Мулланинг ва бойларнинг тескари ташвиқотлари ҳам, дўқ-пўписалари ҳам энди ҳеч кимга кор қилмай қўйди. Чунки қишлоқда большевик муаллимнинг инқилоб, Ленин, порлоқ келажак ҳақидаги сўзлари оғиздан-оғизга кўчиб юрарди.

Январнинг охирларида Нигматуллин Тошкентга бориб қайтди ва исён кўтарилганлиги ҳақидаги гапни топиб келди. Бироқ ғалаён бостирилган эди. Шу боисми, бу воқеа тезда ҳамманинг ёдидан кўтарилди.

Кеча пешин дарёнинг нариги соҳилида пайдо бўлган отлиқлар аксилинқилобчилар эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Қайтага улар дарёдан ўтишолмай у ёқдан бу ёққа от суриб юришганида ғазалкентликларданбири раҳми келибми, бориб кечув жойини кўрсатди...

Худди шу пайтда Нигматуллин болаларга беш қиррали юлдуз суратини солдираётган эди. Талабалар сурат чизиш билан машғул бўлишгач, у бориб печкага ўтин қалади. Сўнг деразадан ташқарига тикилганча ўйга толди. Ҳовлию далалар узра тўшалган оппоқ қор унинг хаёлини болалиги ўтган татар қишлоғи Оқтаниш томон етаклади.

Отаси — Сайфулла қори қишлоғидаги диний мактабда мударрис эди. Диний таълимдан ташқари у тариху адабиётдан хабардор, ўғлининг ҳам маърифатли бўлишини истарди. Савдогар укаси Файзулла Урта Осиёга мол олиб кетаётганида Рашидни Бухородаги диний мадрасага олиб бориб жойлаштиришини илтимос қилди. Шу тариқа амакисининг ёрдами билан у мадрасага жойлашди ва мутолаани бошлаб юборди. Бироқ яқинлашиб келаётган янги замон руҳи диний мактаб талабаларига ҳам таъсир этган, бу ерда ҳам кечалари ёшлар бир ҳужрага тўпланишиб алланарсалар—ҳақида узоқ пичирлашарди. Оқибатда ҳуфияларнинг чақувига мувофиқ мадрасадан анчагина талаба ҳайдалди. Шулар қатори Рашид ҳам.

Табиийки, Нигматуллин уйига қайтиб боришни хаёлига ҳам келтирмасди. Мадрасадан ҳайдалганини билса, отаси оқ қилади.

Когондаги пахта заводида тилмоч бўлди, темир йўлда ишлади. Февраль революцияси арафасида Тошкентга келди. Большевиклар партиясининг топшириғига мувофиқ маҳаллий халқ орасида ташвиқот ишлари олиб борди. Мана энди — ўқитувчи!...

Кўча тарафдан отларнинг дўпир-дўпири эшитилди, томошаталаб болалар болохона деразасига ёпирилдилар. Муаллим уларни тинчлантириб, ташқарига разм солди. Ялангликка отлиқлар тўплана бошлашди. Улар орасида зарҳал погонли офицерлар ҳам, қизил аскар кийимини кийган солдатлар ҳам, ҳатто қалин пўстинга ўралган аёллар ҳам бор эди.

Нигматуллин уларнинг кимлигини дабдурустдан англаб етмади. Елкасига пўстинини илиб пастга тушаётган жойида бирдан ҳушёр тортди. Қандайдир кўнгилсизлик содир бўладигандай юраги безовта эди. Қайтиб борди-да, болаларни тор йўлак орқали ташқарига чиқариб юборди.

...Бир соатлар чамаси вақт ўтгач, олақуроқ босқинчилар қишлоқни шошилинч тарк этдилар. Шўро қўмитаси идораси ловуллаб ёнар эди. Одамлар тўпланишди. Улар ёнғинни ўчириб, қора тутун босган идора ичидан Рашид Нигматуллин ва қишлоқ оқсоқоли, собиқ батрак Маннап Зафаровнинг чопиб ташланган жасадларини олиб чиқишди.

КЕЧАГИЛАР КИМ ЭДИ?

Отряд командири Иван Федорчук шифтлари қора қурум босган болохона ичида безовта кезарди. Кеч кирган, отлар ҳам ҳориган. Шу алпозда душманни қувиш мушкул. Борди-ю осиповчиларга етиб олишган тақдирда ҳам толиқкан отлар билан жанг қилиб бўлмайди. Командир шу ерда тунаб, саҳарда йўлга тушишга жазм этди.

— Куликов! Содиқов! Қишлоқдагиларни тўпланглар, бир суҳбатлашайлик. Қолганлар хонани тартибга келтиришсин.

Орадан бироз ўтгач пастдаги уй ҳам, болохона ҳам тозаланди. Ромлари қуйган деразалар шинел ёпиб «беркитилди». Ўртага эса гулхан ёқилди. Курсантлар нари-бери овқатланиб, бурчак-бурчакда мизғий бошлашди.

Содиқов билан Куликов ўн-ўн беш кишини эргаштириб келишди. Кўпчилик, айтишларича, эшикни ҳам очишмабди. Аксилинқилобчиларнинг вахшийлигидан сўнг қишлоқ аҳли юрак олдириб қўйганди.

Иван Федорчук йиғилган одамларни бир зумда ўзига жалб қилиб олди. Отаси Туркистонга бадарға қилинган сиёсий маҳбуслардан бўлган ўттиз ёшлар чамасидаги бу йигит маҳаллий халқ тилини, урф-одатларини яхши билар ва ҳурмат қилар эди.

— Қиш жуда чўзилиб кетди-ку, — деди у ёнидаги мўйсафидга юзланиб. — Илгариям шунақа совуқ бўлармиди, оқсоқол?

— Э, нимасини айтасан, болам. Гапнинг индаллоси, худо умр берса саратонда иккам саксонга чиқаман. Эсимни танибманки, бунақа қалин қорни кўрмадим. Чилла чиққанигаям уч ҳафтадан ошди. Аёз ҳамон забтидан тушмаяпти. Ҳамал кечикиб кетмаса гўрга эди.

— Бу ёқларни билмадим-у, аммо Тошкентда аҳвол оғир. Екилги йўқ, уйлар иситилмайди. Водопровод тармоғини душманлар ишдан чиқарган. Устига устак, қаҳатчилик.

— Бизнинг ўтин-пўтиндан танқис жойимиз йўқ. Индаллосини айтсам, болаларимиз туршак-қоқи шимиб ҳам кун кўришаверади. Мен бошқа томондан хавотирдаман. Замон алғов-далғов бўлиб кетди. Қиёмат қойим яқинлашдимикан? Ё олло, ўзинг асра.

— Эртанги кунингиздан сира ташвишланманг, отахон, — деди Федорчук жилмайиб, — ҳамма-си яхши бўлади.

— Уғлим, мана сен хавотир олманг, дейсан. Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ. Шартим кетиб, партим қолган. Умрим поёнига бораётир. Агар жоним ширин кўринганда бошқаларга ўхшаб эшигимни тамбалаб ётаверардим. Ҳаёт карвони қай манзилга кетвотти, бориб билай-чи дедим-да, этагимга ёпишган кампиримни чирқиратиб келавердим.

— Яшанг, отахон, яшанг!

— Шошма-шошма! Олдин гапимни эшит.

— Қулоғим сизда.

— Бу саволни марҳум муаллим болага ҳам бергандим. Раҳматли эскичаниям, янгичаниям биладиган уламо йигит эди. Илойим жойи жаннатда бўлсин...

Хўш, нима деяётган эдим. Ҳа, айтмоқчи, оқ подшо қулади, дейишди. Эшитиб хурсанд бўлдик. Ҳукумат ишчи-деҳқонлар қўлига ўтди, дейишди, бошимиз кўкка етди. Камбағал кўксига шамол тегади энди, деб ўйладик. Бироқ чучвараниҳом саначаи эканмиз шекилли, ҳамон эски ҳаммом, эски тос. Гапнинг индаллоси, ҳамон бойлар қонимизни сўриб ётишибди. Тўғри, энди аввалгидака қамчи ўйнатишаётгани йўғ-у, лекин қар бир хўжалик улардан қарздор-да. Қарзимизни узайлик деб эрта-ю кеч тер тўкамиз. Боримизни қўш қўллаб топширамиз, тағин ўзимиз қўлимизни бурунга тиқиб қолаверамиз. Гапнинг индаллосини айтсам, Рашид болам айтган рўшнолик саробга ўхшаб қолди-ку, ўғлим.

Федорчук гулхандан чўғ олиб папиросини тутатди. Енида ўтирган муовини Содиқовга постларни текшириб келишни тайинлаб, суҳбатни давом эттирди:

— Отахон, гапнинг очиғи, Рашид Нигматуллинга ўхшаб унча билимдон эмасман. Оддий ишчиман. Чиройли гапларни билмайман, лекин сизга айтсам, сиз билан бизнинг замонамиз энди келди. Канадек ёпишиб қонимизни сўриб ётган бой, амалдор, фирибгарларнинг куни битди. Уларни қўллаб-қувватлайдиган золим подшо йўқ. Халқ ҳокимиятни қўлига олди. Бироқ бировнинг меҳнати эвазига бойлик орттириб, чўчқадай семириб юрганлар осонликча жон беришади, дейсизми? Йўқ, албатта. Улар ишчи-деҳқон ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаяптилар. Эрталаб қишлоғингиздан ўтиб кетганлар ана шу аксилинқилобчиларнинг қолдиқларидир. Уларга Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари Константин Осипов бошчилик қилмоқда. У ишчи-деҳқон ҳукумати составига ҳийлаи-найранг билан кириб олган экан. Буни пайқадик, афсуски, кеч пайқадик. Хато қимматга тушди-да. 14 комиссаримизни душманлар вахшиёна ўлдиришди. Игнат Фоменко, Вульф Финкельштейн, Всеволод Вотинцев, Александр Мальков, Николай Шумилов, Алексей Червяков, Владислав Фигельскийдай оташин инқилобчилар ҳалок бўлдилар... Мен уларни танир эдим. Ажойиб инсонлар эди... Аммо душман революциянинг қасоскор шамширидан қочиб қутулолмайди. Биз ғалабага ишонамиз. Халқ биз томонда. Тўғрими, ўртоқлар?

— Тўғри! Тўғри!

— Яқинда бу отиш-тутишларгаям чек қўйилади. Тинчгина яшай бошлайсиз. Совет ҳокимияти ер-у сувни барчага тенг бўлиб беради. Лекин ҳали инқилоб душманлари бор экан, уларни тормор этмагунча тинчлик йўқ бизга.

Орага жимлик чўкди. Атрофида ўтирганларнинг жиддий қиёфаларини ёритганча гулхан чирсиллаб ёнарди. Бурчакда мизғиётган курсантлардан бири ширин тамшаниб қўйди. Шу пайт эшик ғийқиллаб очилди-да, «Мумкинми?» деган бўғиқ овоз эшитилди.

— Ким у?

Йўлда учраган обкашли киши кўриниш берди.

— Марҳамат, марҳамат, киринг, — Федорчук ёнидан жой кўрсатди. — Келинг, ўтиринг.

— Ий-э, Холмат мерган, ўзингмисан? — деди «Индалло» бува унга қўлини қоши устига соябон қилиб тикиларкан. — Овга кетганми деб ўйловдим, кўринмайсан? Бола-чақанг омонми?

— Тузук, бува, худога шукур!

Мерган даврадагилар билан бош иргиб саломлашди-да, командирга юзланди.

— Отларга озроқ ем опкелдим. Жониворларнинг тозаям силласи қуриптти-ку.

— О, раҳмат сизга. Бу ишингиз жуда зўр бўлди-да. — Командир шундай дегач, курсантлардан бирини уйғотмоқчи бўлиб орқасига ўгирилди, лекин Холмат ака уни тўхтатди.

— Қўяверинг, бироз мизғиб олишсин. Тўравой, шуни ўзинг тўғрила, ука.

Боядан бери суҳбатни жимгина тинглаб ўтирган ўн олти ёшлардаги ўспирин «хўп бўлади» деди-да, дик этиб ўрнидан турди. У чиқиб кетгач «Индалло» бува ҳам бесаранжом бўлаётган Федорчукни тинчлантирди.

— Ташвишланма, командиржон! Бу бола, индаллосини айтганда, молнинг пири. Умри бойларнинг чорвасини боқиб ўтган. Отга жудаям ишқивоз.

Командир «маъқул» дея қўлини кўксига қўйди ва Холмат акадан жилмайиб сўради.

— Бояги ҳазилдан хафа бўлмадингизми? Йигитлар сал оширворишди чамамда.

— Йўғ-э, нима биз ёш боламидик. Икки йигитимизнинг бевақт ўлими қон қилди-ку бизни. Қаранг, бу лаънатиларга кечув жойини кўрсатиб юрибмиз. Билганимизда-ку биратўла гирдобга ғарқ қилиб қўя қолардик. Қизил аскарлар деб доғда қолдик-да, ярамасларни.

— Қўйинг, хафа бўлманг, — деди Федорчук унинг елкасига қоқиб. — Янглишган бир сиз эмас. Тошкентдаги раҳбарларимиз ҳам революцион ҳушёрликни йўқотишгани туфайли хоин Осиповга катта ва масъулиятли лавозимни бериб қўйишган. Афсуски, қўйинларида илон олиб юришганини жуда кеч пайқашди.

— Илойим, кўзимизга қум сочмоқчи бўлганлар жазосини олло-таоллонинг ўзи берсин, омин!

Чолга қўшилиб бошқалар ҳам фотиҳага қўл очишди.

— Командиржон! Сендан илтимос, мени отрядингга қабул қил. Мен икки йигитимиз қасосини олмоқчиман. Отим ҳам, милтиғим ҳам бор. Сизларга ҳеч оғирлигим тушмайди.

Даврадагиларнинг кўпчилиги Холмат мерган каби отрядга қўшилиш истагини билдирди. Федорчук, очиғи, буни кутмаган эди. У бироз ўйланиб турди-да, сўнг фақат улови, қурол-яроғи борларнигина сафга тортиш мумкинлигини айтди.

Одамлар хайрлашиб энди тарқалишаётганда «Индалло» бувани командир тўхтатди.

— Бобой, йўлбошловчи бўлмаса биз қийналамиз. Сиз кимни...

— Бу жойларни Холмат мергандан кўра яхшироқ биладиган йўқ, болам. Шунга суянаверинг, сизни уялтирмайди, — деди қария ҳассаси билан чўғни титкилаганча.

— Холмат мерган, эрталаб келаман, деб кетди, бизга эса ҳозир... Разведкачиларимизни бошлаб борадиган одам керак.

— Шунақа денг? — бува соқолини тутамлаганча ўйга толди. — Хў-ўш... Гапнинг индаллосини айтганда...

Шу пайт «Иван ака, мени ҳам отрядингизга олинг», — деган овоз эшитилди. Бува бошини кўтариб остонада турган Тўравойни кўрди. Сездики, командир унинг қатъий оҳангдаги талабидан мамнун. Лекин барибир рад жавоби берди:

— Йўқ, ука, сен тушун: биз жангга кетаяпмиз. Ҳали ёшсан. Тўғрими, отахон?

— Қайдам, — қария ўсмоқчилаб Тўравойга қаради. Ўспиринниг ўзига ўкинч билан тикилаётганини кўриб, салмоқланди. — Бу йигитчани ёш дейишга тилим бормайди. Кўпкарида катталарга этак тутқазмаганини ўз кўзим билан кўрганман. Гардани Ғанибойнинг қамчисидан мом-талоқ бўлиб кетган. Қоларсе, босқинчилар билан ҳисоб-китобиям бор. Командиржон, индаллосиш шуки, қирқ йил қиргин бўлса ажали етган ўлади. Ке, шу тойчанинг сазаси ўлмасин.

Командир Тўравойга бошдан-оёқ кўз югуртирди. Қора сидирга тўн кийиб, чарм камар боғлаб олган, юзлари бир бурдагина ўсмирга раҳми келди шекилли, хомуш бош чайқади. «Йўқ-йўқ, уни жангу жадалга олиб бориб бўлмайди. У яшаши, ўқиши керак. Келажак шуларники. Ахир биз мана шулар рўшнолик кўрсин, дея курашаяпмиз-ку».

— Йўқ, бўлмайди, ошна! Шошилма, ҳали сенинг навбатинг ҳам келади.

Тўравой мўлтираб яна қарияга тикилди. «Индалло» бува «наилож» дегандай бош чайқаб ташқарига чиқди.

Федорчук жойига ўтириб папирос тутатди. Гулхан шуъласи унинг ўйчан қиёфасига қизғиш тус берарди. Командир бироздан сўнг ҳамон умидвор турган Тўравойга юзланди.

— Отинг нима?

— Тўравой, — деди йигитча ва гулханга яқинроқ келди.

— Сен юқори қишлоқларни яхши биласанми?

— Албатта-да, Хўжакент, Бурчимулла, Боғистонларда чорикорлик қилганман. Тўқай дейсизми, тоғ дейсизми, дуч келган сўқмоқдан кўз юмиб ўтаман.

— Оббо шоввоз-ей! Шунақа дегин? Разведкачиларимизни бошлаб борасанми унда?

— Бўлмасам-чи? Қачон бориш керак?

— Ҳозир! Йўлга тушиш керак. Бу жуда оғир иш!

— Тушунаман, —деди Тўравой. У қувончини сира яшира олмасди. Бироздан сўнг у курсантлар Лазарь Куликов ва Прокопий Мартемьянов билан бирга осиповчилар изидан жўнади. Командир уларга эҳтиёт бўлишни қайта-қайта тайинлаганча кузатиб қолди.

...Борлиқ тун оғушида. Шамол тинган. Боягина осмону фалакни қоплаб ётган қоп-қора булутлар чок-чокидан сўкилган. Само ой нурида пахта ёйилган улкан хирмонни эслатади. Атроф ёруғ, қорайиб кўринаётган тоғдаги арчаларни бемалол санаш мумкин.

Разведкачилар қишлоқдан чиқишганда шу манзарага дуч келишди.

— Атрофга қара, Проша! Петроградниинг машҳур оқ тунларига ўхшайди-я!

— Ҳув, ана, булутлар орасидан бир шода юлдуз кўринди, — деди Прокопий қамчиси билан кун чиқар томонга ишора қилиб. — Одам дунёдан ўтгач руҳи осмонга кўтарилиб, юлдузлар қаторидан жой оларкан. Марҳумнинг қадру қиммати юлдузи қандай порлашига қараб биларкан.

— Бўлса бордир, азизим. Ҳар қандай афсона замирида ҳақиқат деймизми, халқнинг орзу-армони деймизми, бўлади. Эҳ, дўстим! Бу дунёда яшашнинг ўзи бахт-ку. Агар шунчаки кун кечирибгина қолмай, қоронғу кечада бировнинг йўлини ёрита олсанг, унда юлдуздан нима каминг бўлади.

Юзларига игнадек санчилаётган изғиринга ҳам парво қилмай, курсантлар атрофга суқланиб боқишарди. Шу ерда ўсиб-улғайгани учунми Тўравой кўпроқ уларнинг ҳайратланишидан таъсирланарди.

— Проша, азизим, инқилоб душманларини тормор қилганимиздан кейин кўрасан, ҳаёт бутунлай бошқача бўлади. Ҳали кечқурунлари Наташанг билан ойга термулганча ширин-ширин хаёл сурасан. Ҳозир эса олга? — Мартемьянов Тўравойга юзланди. — Қани, илдамла, оғайни.

Отлар қорни тўзитиб йўртиб кетди. Разведкачилар Хўжакентга оборадиган катта йўлни четлаб ўтдилар. Далани кесиб чиққан бу йўл гарчанд яқин бўлса-да, хавфли эди. Ойдинда қимирлаган тирик жонни бир чақирим нариданпайқаш мумкин. Шу боисдан Тўравой курсантларни дарё ёқалаб бошлаб кетди.

(Давоми бор).

ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

АФҒОНИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон қуролли кучлари ҳукуматга қарши экстремист гуруҳларга зарба бериш юзасидан операциялар туркумини муваффақиятли ўтказди. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, ўтган икки кун ичида Таҳар, Забул ва Нангарҳор вилоятларида муросасизларча зарба берилган. Жанг давомида камида эллик нафар экстремист ўлдирилган, жуда кўп қурол-яроғ, жумладан реактив снарядлар, миномётлар ва граната лар ўлжа олинган. Бир неча оппозициячи, шу жумладан исёнчилар группаларидан бирининг бошлиғи асир олинган.

Республика президентининг авф этиш тўғрисидаги фармонига мувофиқ Жоузжон ва Қандаҳор вилоятларида яна 50 маҳбус қамоқдан бўшатилган. Улар ҳукуматга қарши фаолияти учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган эдилар. Озод қилинган кишилар инсонпарварлик қилганлиги учун мамлакат раҳбарларига миннатдорчилик изҳор этиб, қонуний ҳукуматга қарши қуролли курашни тўхтатганликларини айтдилар.

Нангарҳор вилоятидан Торқҳам чегара пости орқали Покистондан юзга яқин собиқ қочоқ ватанига қайтиб келгани ҳақида хабар олинди. Қочоқлар иши билан шуғулланувчи бошқарма маълумотларига қараганда, ўтган ойда Торқҳам районида илгари Покистон территориясидаги қочоқлар лагерларида яшаган 4 мингдан зиёд афғон чегарадан ўтиб қайтиб келди.

Бу ерда маълум бўлишича, «еттилар уюшмаси» бошлиқлари Покистон территориясида жойлашган оппозиция ҳаракатларига раҳбарлик қилиш учун «ўтиш даври маъмурияти» тузилганлигини эълон қилдилар. «Еттилар уюшмаси» арбобларидан бири Аҳмад шоҳ Маъсуд унга бошлиқ бўлди. Бу тадбир истиқболсиз эканлиги ҳатто Афғонистон территориясида ҳаракат қилаётган ҳукуматга қарши тўдаларнинг командирларига ҳам равшан, улар ўтиш даври маъмурияти тўғрисидаги масала «ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас» дедилар. Афғонистон халқ ислом партияси раҳбарларидан бири Сайёд Вали шоҳ мамлакат раҳбарлари ўтказаётган миллий яраш сиёсатини Афғонистон халқ ислом партияси қатъиян қўллаб-қувватлаётганлигини айтди.

«Ҳозирги шароитда партиямизнинг асосий вазифаси, — деди у «Кобул таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда, — мамлакатда тинчлик ва ҳавфсизлик ўрнатишдан иборат». Биз афғонлар ўртасидаги ҳозирги келишмовчиликлар бартараф қилинишини ҳам истаймиз. Бутун халқимиз шуни умид қилмоқда. Бироқ калтабин экстремистлар халқ орзу-умидларини ҳисобга олмаётирлар, нормал ҳаётга тўсқинлик қилиб, бегуноҳ кишиларни ўлдирмоқдалар, Кобулга ракеталар отмоқдалар. Бундай хатти-ҳаракатлар ислом қонун-қоидаларига зиддир, деди Сайёд Вали Шоҳ.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ТОРОНТО. Еттита энг йирик капиталистик мамлакат раҳбарларининг бу ерда ўтказилаётган олий даражадаги иқтисодий учрашуви қатнашчилари сиёсий декларация эълон қилдилар. Унда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва АҚШ президенти Р. Рейганнинг Москвадаги музокаралари асосида қуролсизланиш масалаларига, шунингдек Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатларига асосий эътибор берилган. Етти мамлакат раҳбарлари ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги шартноманинг имзоланишида ўз нифодасини топган ядро қуролини қисқартириш соҳасида СССР билан АҚШ ўртасида эришилган силжишни қутладилар. Шу билан бир қаторда декларацияда Ғарбнинг илгариги ҳарбий ақидалари, жумладан, гўё Ғарбий Европада ва Узоқ Шарқда «совет ҳарбий ҳавфи» сақланиб қолаётгани ҳақидаги даъволар тилга олинди.

КИТО. Тинч океани ҳавзаси унинг қирғоқларида жойлашган давлатлар учун тинчлик ва ҳамкорлик зонаси бўлиши керак, деди бу ерда Эквадор ташқи ишлар министри Рафаэль Гарсиа Веласко Тинч океан ҳавзаси Эквадор комитети таъсис этилиши маросимида нутқ сўзлаб. Тинч океан ҳавзасидаги мамлакатларда ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпи яшамоқда, деб таъкидлади у. Улар ихтиёрида жуда катта иқтисодий, саноат ва қишлоқ хўжалик потенциали бор. Шу боисдан ҳам мазкур район ана шу давлатлар ўртасида ҳамкорлик зонаси бўлиши муҳимдир.

ПАРИЖ. Порт-о-пренсадан келаётган хабарларга қараганда, давлат тўнтариши натижасида ўзини Гаити президенти деб эълон қилган генерал Анри Намфи фақат ҳарбийлардан иборат бўлган янги ҳукумат тузди. Миллий мудофаа министридек асосий лавозимни яна генерал-майор Уильям Регала эгаллади, у ҳокимиятдан четлатилган республика президенти Лесли Манига тузган илгариги ҳукумат составига ҳам кирган эди. Бригада генерали Жерар Абраам ташқи ишлар министри бўлди.

ПРАГА. Чехословакиянинг Индржихув-Градец шаҳрида «Концертино Прага» халқаро фестивали очилди. Фестивалда Буюк Британия, ГДР, ХХР, Совет Иттифоқи, Финляндия, ГФР ва Чехословакиядан келган созандалар иштирок этмоқдалар. Ҳар йили Чехословакия радиоси ўтказаётган мазкур фестиваль жуда машҳур бўлиб кетди, 20 йил мобайнида унда жаҳоннинг 25 мамлакатидан 1200 дан кўпроқ ёш ижрочи иштирок этди. Конкурс ғолиблари Чехословакияга уч ҳафталик сафар йўлланмаси билан мукофотланадилар.

(ТАСС).



ГДР. СПИД касаллигининг дунё мамлакатлари бўйлаб тарқалаётгани ушбу хавфнинг олдини олиш, илмий текшириш ва профилактика ишларини тобора кучайтиришни тақозо этмоқда.

СУРАТДА: Берлиндаги «Шаритэ» клиникаси иммунология институти директори профессор Рюдигер фон Бэр ва илмий ходим Розеллота Вичке СПИДга қарши препарат тайёрланаётган лабораторияда.

АДН—ТАСС фотоси.

ҲОЗИРНИ ВА ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

ЎЗБЕК ТИЛИ ИМЛОСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбек тили ва тилшунослигининг кейинги тараққиёти 1956 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача амалда қўлланилиб келинган имло қоидаларини қайта кўриб чиқиш, янгилик ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда мукаммалаштиришни тақозо этмоқда.

Ҳар бир тил ўз ички қонуниятлари асосида тараққий қилиб боради, бу ривожланишни маълум кишилар эмас, балки умумхалқ тилининг ижтимоий эҳтиёжлари юзага келтиради. Аммо орфография ва пунктуация қоидалари тил қонуниятларидан фарқли ўлароқ кишилар томонидан ўзгартирилиши, давр талабига кўра такомиллаштирилиши мумкин. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай янги «Имло қоидалари» ёзув маданиятининг ҳозирги даври ва унинг истиқболини кўзлаб тузилсагина, аҳамиятли ва яшовчан бўлади.

Таниқли тилшунос олимлар томонидан тузилган янги лойиҳа 1981 йилда матбуотда эълон қилиниб, икки йил давомида муҳокама этилди. Айтилган фикр ва мулоҳазалар асосида унинг тузатилган янги варианти «Ўқитувчилар газетаси» орқали яна жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди.

«Ўзбек орфографияси ва пунктуацияси асосий қоидалари»нинг қайта ишланган нусхаси олдингисидан бир қанча асосли тузатишлар, ўзгартиришлар қилинганлиги, соддалиги ва изчиллиги билан ажралиб туради. Кўшма сўзларнинг ёзилишига бағишланган қоидалардаги чалкашликлар, дефис билан «ёзилиши керак» бўлган сўзлар имлосидаги сунъийлик [қипқизил, кўчамакўча, келакелгунча, янгиданянги каби], ҳозирги тил учун баъзи эскирган қарашлар [стол, справка, шкаф каби сўзларнинг бошида и айтилса ҳам ёзилмаслиги) ва бошқалар тузатилган, қоидаларнинг жойлашувида маълум изчиллик юзага келган.

Янги лойиҳада орфография назарияси илмининг сўнгги ютуқлари ҳисобга олинган, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган орфография принциплари тўғри танланган, тил материалларининг ёзилишида типиклаштириш усулига амал қилинган, унификация (қардош халқлар орфографияси ва пунктуациясидаги умумийлик, яқинлик) принциплари ҳам эътиборда бўлган. Аммо ўзбекча ёзма саводхонликка эришувнинг энг муҳим калити, яъни ўзбек алфавитига муайян янги ҳарфлар киритилиши масаласи четлаб ўтилибди. Афтидан, катта ҳажмли бу иқтисодий ва маданий муаммо келажакнинг вазифаси сифатида қолдирилибди. Ҳозирча биз фақат амалдаги алфавитимиз асосида тузилган ушбу «Асосий қоидалар» ҳақидагина фикр-мулоҳаза билдиришга мажбурмиз.

«Асосий қоидалар»нинг қайта ишланган нусхасида ютуқлар билан бирга баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланадики, биз шуларга тўхталмоқчимиз.

Орфография назарияси тил материалларини системада олиб қарашни талаб этади. Имло қоидалари тил қодисаларини (сўз, қўшимчаларни) умумлаштириш — типиклаштириш асосида системалаб, ёзилиш усулини аниқ талқин қилиши керак. Лойиҳанинг баъзи ўринларида бу талаб бузилгани кўринади. Улдаги **«Қўшиб ва дефис билан ёзиш», «Ажратиб ёзиш»** бўлимлари назарда тутган материаллар тил нуқтаи назаридан бир-бирига боғланувчи ҳодисалардир. Имло жиҳатдан ҳам булар бирга-ликда олиб қаралсагина муваффақият бўлиши мумкин. Профессор Ш. У. Раҳматуллаев мазкур «Бўлимчаларни бир умумий сарлавҳа остида бериш кераклиги»ни жуда ўринли таъкидлаган эди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982, 5 март). Афсуски, бу ҳақли эътироз ҳисобга олинмабди. Шунингдек, «Ундошлар имлоси», «Айириш ва юмшатиш белгилари имлоси» бўлимчалари умумий сарлавҳага — **«Айрим ҳарфларнинг имлосига»** бўйсундирилганда, изчил системага эришилар эди. Чунки, биринчидан, қоидалар барча ҳарфларнинг имлосини қамраб олган эмас (шу сабабдан «айрим» сўзи керак). Иккинчидан, ҳар учала тушунча катта тушунчанинг ички тармоқларидир.

Ҳодисаларни аташдаги мантиқий хатолардан яна бири **«Сўз қисмлари имлоси»** сарлавҳасидир. Бу сарлавҳа остидаги қоидалар сўзга (ўзак ва негизга) аффикслар қўшилганда содир бўладиган фонетик ўзгаришлар ва ёзувда уларни қандай акс эттириш лозимлигини кўрсатади. Лекин **«Сўз қисмлари имлоси»** деганимизда сўзнинг қисмлари алоҳида имло материали-ю; уларни якка ҳолда қандай ёзиш кераклиги кўз олдимизга келмайдими? Шунинг учун сарлавҳани **«Сўз ва унинг қисмлари имлоси»** деб ўзгартириш зарур.

Лойиҳадаги бўғин кўчириш қоидаларига бағишланган бўлимнинг **«Кўчириш қоидалари»** деб номланиши мантиқан ғализдир, чунки «кўчириш қоидалари» тушунчасида аввало «сўзни, гапни, текстни кўчириб ёзиш» мазмуни англашилади. Унда «бўғин кўчириш» тушунчасига ҳеч қандай ишора йўқ. Орфографик қоидалар текстидаги ҳар бир тушунча, ҳар бир фикр аниқ-равшан бўлмоғи керак. Бизнинг таклифимиз: **«Кўчириш қоидалари»**нинг олдига **бўғин** сўзини (аниқловчисини) киритиш ва **«Бўғин кўчириш қоидалари»** деб номлаш керак.

Баъзи қоидаларда фикр изчиллигининг бузилганига оид мулоҳазаларимизни ҳам ўртага ташламоқчимиз:

4-параграфнинг 2-пункти **«Қовун, совун, мовут, товуш, товус, ёзув, қирғовул, чирмовуқ** каби сўзларнинг олдинги бўғинида **о** унлиси келса, кейинги ёпиқ бўғин бошидаги **в** дан кейин **и** эмас, **у** айтилади ва ёзилади» тарзда ғализ қоидалаштирилган. Сўзнинг олдинги бўғинида **о** унлиси бўлишини шарт мазмунида эмас, аслида шундай деб қараш [**товус, товуш**], кейинги ёпиқ бўғинидаги унли аслида **у** экани, аммо **и** га ўхшаш талаффуз қилишига ишора керак, холос. Бундан ташқари, жумлада кейинги сўзи икки марта қўлланган [**кейинги ёпиқ бўғин бошидаги в дан кейин**]. Биз мазкур қоиданинг тексти қуйидагича бўлишини таклиф этамиз: **«Олдинги бўғинида о унлиси бўлган қовун, совун, мовут, товуш, товус, ёзув, қирғовул, чирмовуқ каби сўзларда кейинги ёпиқ бўғин бошидаги в дан сўнггги унли и га ўхшаш талаффуз этилса ҳам, у ёзилади».**

14-параграфда **«Ҳамма, ҳамдам, ҳодиса, муҳаббат, ислоҳ каби сўзларда ҳ ундоши баъзан х айтилса ҳам адабий тилда х айтилади ва ёзилади»** қоидаси берилган. Бу ўринда «... **каби сўзларда ҳ ундоши х тарзда айтилса ҳам ҳ ёзилади»** дейиш кифоя-ку!

Бундан ташқари қоидадаги **баъзан** сўзи бу ҳодисага алоҳида қоида беришни йўққа чиқаради, бу товушни **«адабий тилда»** айтилишига ишора қилиш ҳам ўринли эмас.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу қоида ёки тўлдирилиши, ёки бутунлай чиқариб ташланиши керак. Чунки ҳозирги ўзбек адабий тилида фақат бўғиз товуши **ҳ** ни **х** тарзида талаффуз қилишгина эмас, балки тил орқа, қаттиқ **х** ва **ҳ** тарзида талаффуз қилиш ҳам бор. Баъзи шева вакилларигина уларни икки хил товуш сифатида аниқ фарқлай оладилар. Шу сабабли **ҳ** ҳарфининг ёзилишига берилган қоида (14-параграф) сақланадиган бўлса, унга 2-пункт қилиб **х** нинг ёзилиши бўйича ҳам қоида киритилиши керак. Қоида, бизнингча, қуйидагича бўлади: **«Хабар, халқ, хиёбон, химик, хирург, бахт, сохта, техника, рух, мих, патриарх** каби сўзларда **х** ундоши **ҳ** тарзида айтилса ҳам, **х** ёзилади». Шундай қоида бўлмаса, параграфни бутунлай чиқариб ташлашга тўғри келади.

Фикр изчиллиги 6-параграфнинг қоидаси: **«Ў** ҳарфи **ўт, қўл ўсимлик, мўътабар, ноўрин, беўхшов, бўзтўрғай, гулкўрпа, бойўғли каби сўзларда ўрта тенг унли товушни билдиради»**да ҳам бузилган: аслида «товушни билдиради» эмас, «товуш учун ёзилади». Худди шу каби нуқсонлар 2-параграфда, 10-параграфнинг 1 ва 2-пунктларида ҳам мавжуд. Ахир булар орфоэпик таърифлар эмас, балки орфографик қоидалар-ку!

6-параграф қоидасининг назарий камчилиги ҳам бор. Унда берилган мисолларда **ў** ҳарфи шу фонемининг икки хил товуш вариантини ифодалайди. (Алфавитимизда алоҳида ҳарф бўлмагани учун ҳар икки вазифада **ў** ҳарфидан фойдаланамиз: **ўт, ноўрин, беўхшов, бўзтўрғай, бойўғли** сўзларида тил орқа **ў** товушини: **қўл, ўсимлик, мўътабар, гулкўрпа** сўзларида эса тил олди **ў** товушини ифодалайди. Демак **ў** ҳарфининг икки вазифаси бор. Қоидада бу ҳарфнинг ҳар иккала вазифаси ажратиб кўрсатилсагина у тўлиқ ва пухта бўларди.

1-параграфнинг 1-пункти қоидасидаги фикрий ғализликни **(«...каби сўзларда в товушидан олдин ёки кейин баъзан о айтилса ҳам а айтилади ва шундай ёзилади»)** тузатиш лозим. Уни қуйидагича содда ва тўғри тузиш мумкин: **«...каби сўзларда в товушидан олдин ёки кейин келувчи унли о га мойил талаффуз қилинса ҳам а ёзилади».** Мазкур параграфда қоида билан унга берилган мисолнинг мос келмаслик ҳолати ҳам бор: ҳозир ким **ватанни вотон, навони ново, вазифани возифа** деб талаффуз қилади?!

Шунингдек, 22-параграфнинг 2-пункти қоидаси ортиқчадир, унда **я** ҳарфи **отряд, октябрь, князь** каби сўзларда **а** унлиси ўрнига ёзилиши кўрсатилган. Ваҳоланки, ҳозирги ўзбек тилида **отряд** сўзини **отрад, октябрь** сўзини **октабрь, князь** сўзини **кназь** деб талаффуз этишмайди.

Қоидалар ҳозирни ва истиқболни кўзлаб тузилар экан, **у** ҳали қабул қилинмасдан туриб «эскириб» қолмаслиги керак. Юқорида тилга олинган камчиликлар ҳозирги ўзбек тили орфоэпиясида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олмасликдан келиб чиққан. Шу каби нуқсон «Лойиҳа»нинг 12-параграфида ҳам қайд этилади. Унда **фабрика, физика, орфография** каби сўзлардаги **ф** товуши **п** айтилса-да, **ф** ёзилиши таъкидланган. Афсуски, бу сўзларнинг қиёс этилган талаффуз шакллари [**пабрика, пизика, орпография**] ҳозирги тилимиз учун табиий эмас.

29-параграфнинг «в» пунктидаги қоидага амал қилсак, ёзувда **боғга, чўғга, ёғга, оғган, ийғган, соғгани, ёғгунча** каби шакллар юзага келади. Бу ҳол ёзувда сунъий (фонетик принципдан узоқ) шакларни кўпайтиради, холос. Иккинчидан, бу бир-бирига ўхшаш ҳодисага икки хил муносабатни юзага келтиради. Ахир, «Лойиҳа»нинг бошқа қоидаларига жўналиш келишиги аффикси — га, сифатдош формаси — **ган**, равишдош формалари — **гани, — гунчаларнинг** ўзга фонетик вариантларда ёзилишига чек қўйилган эмас-ку! Бундан ташқари **г** ва **ғ** товушларида тугаган барча сўзларга юқорида кўрсатилган аффикслар қўшилганда фонетик ўзгаришсиз ёзилади, деган умумий қоида чиқариш ҳам мумкин эмас. Шундай экан, юқоридаги сўзларнинг ҳозирги адабий-орфографик шакллари (фонетик принципига кўра) ёзилиши тўғри бўлади. Албатта, шу ўринда берилган истисно қоида (баргга, педагогга) сақланиши керак.

27-параграфнинг 3-пунктидаги **парво, авзо, мавқе, орзу, обрў** каби сўзларга эгалик аффикслари қўшилганда **й** орттириб ёзилиши ҳақидаги қоида табиий кўринмайди. Агар (шу қоидага кўра), **о, у, ў** товушлари билан тугаган сўзларга эгалик аффикслари қўшилганда **й** орттириб ёзилар экан, оқибатда: **иншойим, иншойинг, вафойим, вафойинг, бобойим, бобойинг, кинойим, бажойинг, хурмойим, хурмойинг** каби ёзувга ҳам, талаффузга ҳам хилоф шакллар юзага келади, тилдан ёзувнинг узоқлашувига йўл очади. Шуниси ҳам борки, ёзувга хос бу қоида келгусида секин-аста тилдаги ғайриқонуний шаклларнинг (сўз формаларининг) юзага келишига сабабчи бўлиши мумкин. Орфография қоидаларининг тилга (асосга) салбий таъсир қилмаслигини ўйлашимиз керак.

Тўғри, қоиданинг текстида **«айрим сўзларда»** деган ишора бор. Лекин **о, у, ў,** товушлари билан тугаган сўзлардан қайси бири **«айрим сўзлар»**га киришини ким аниқлайди ва ёзувда ким тез ажрата олади?!

Лойиҳада эҳтиёжсиз кенгайтирилган қоидалар ҳам кўзга ташланади. Масалан, 76-параграфнинг қоидасини қуйидагича ихчамлаштириш керак: **«Сўзнинг бош ёки охирги бўғини биргина ҳарфдан иборат бўлса бўғин кўчирилмайди: а-бадий эмас, абадий, э-шикдан эмас эшик-дан, у-калик эмас, ука-лик, кифо-я эмас, кифоя, судь-я эмас, судья.** Биргина ҳарфдан иборат бўлган бўғиннинг сўз бошидаги ва сўз охиридаги ҳолатини алоҳида-алоҳида қоидалаштиришнинг ҳожати йўқ. Аммо шу параграфдаги сўнгги «Эслатма» сақланиши керак.

Лойиҳанинг 73-параграфини кераксиз бўлган қоидалаштириш, деб баҳолаймиз. Унда «текстда автор нутқи таркибига кирмайдиган, ёзувда қавса олиб кўрсатилувчи изоҳларнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланиши» кўрсатилади: [**Гулдирос, давомли қарсаклар**]. Аслида бу ҳолат ҳам 71-параграфнинг қоидасига мос келади: **«гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади».** Шунинг учун «Имло қоидалари»дан 73-параграф қоидасини чиқариш, унинг ўрнига лойиҳада акс этмаган, қавс ичида бериладиган киритма изоҳ сўзларининг кичик ҳарф билан ёзилишини шарҳловчи «Эслатма» қоида бериш ўринли бўлади.

Бўғин кўчиришга бағишланган 79-параграфнинг 2-«Эслатма» қоидаси, яъни **«Д. А. Умаров, А. К. Боровков кабиларда инициаллар фамилиядан ажратиб кўчирилмаслиги»** фикрини маъқуллаш қийин. Одатда инициални фамилиядан, фамилияни инициалдан ажратиб сатрга кўчириш ҳеч қандай нотабиийлик туғдирмайди, бунинг устига, саҳифа иқтисоди ва нашр техникаси учун ижобий роль ўйнайди.

71-параграф 3-пунктининг қоидаси (шарҳи) тушунарсиз: **«Гапнинг қисмлари нуқта қўйиб саналса, нуқтадан кейинги сўз бош ҳарф билан бошланади».** Бу ерда фикр аслида гапнинг **қисмлари қавса олинмаган рақам бош ҳарф билан** санаб кўрсатилса, улар бош ҳарф билан бошланиши ҳақида бормоқда. Қавссиз рақам ва қавссиз бош ҳарфдан (нумерациялардан) сўнг нуқта қўйилиши ўз-ўзидан маълум. (Бу — «Пунктуация қоидалари»да кўрсатилиши керак). Бизнингча, қоида қуйидагича содда ва тушунарли бўлиши лозим: **«Гапнинг қисмлари қавса олинмаган рақам ва ҳарфлар билан санаб кўрсатилса, бош ҳарф** билан бошланади».

«Имло қоидалари»да айрим одатий терминларни алмаштириш ва тушунчаларни мураккаблаштириш йўлидан бормаслик керак. «Юмшатиш белгиси»ни, унинг икки вазифасидан келиб чиқиб, «айириш-юмшатиш белгиси»га алмаштириш (24-параграфда) имло муомаласи учун фақат ортиқча юк бўлади.

53-параграфда **«Йилдан йилга, томдан томга, кундан кунга каби биринчи компоненти чиқиш, иккинчи компоненти жўналиш келишигида бўлган конструкциялар ҳам ажратиб ёзилади»** қоидасини ўқиймиз. Аҳамият беринг, агар **юқоридаги мисоллар** «конструкциялар» бўлса, бунинг имлога алоқаси йўқ: имло қоидалари — сўз ва сўз формаларини ёзишни ифодаловчи тушунча. (54-параграф қоидаси текстида ҳам шундай нуқсон бор). Келтирилган мисоллар моҳиятан «конструкция» эмас, балки сўзга тенг ҳодисалардир: тарихан чиқиш ва жўналиш келишиги аффиксларидаги ёрдамида бириккан икки сўз ҳозир яхлит маъно беради: **Шаҳримиз йилдан-йилга кенгаймоқда** гапида **йилдан-йилга** сўзи бир сўроққа жавоб бўлади ва бир гап бўлаги ҳисобланади. Ҳар қандай мустақил сўз гапда алоҳида ҳолда ёки бўлаги бўлиши керак: **кундан-кунга** қисмларга ажралмайди, яхлит гап бўлагидир.

Демак, кўрсатилган мисоллар ҳозирги тилимизда сўзга тенг. Уларни ажратиб эмас, дефис билан ёзиш қоидалаштирилса, сўзга тенглиги, яхлит гап бўлаги эканлиги равшанроқ намоён бўлади, ёзишда сунъийликнинг олди олинади.

«Имло қоидалари»нинг ўзида (текстида) имло ва техник хатоларнинг бўлиши ноқулай. Масалан, 30-параграф қоидаси текстида **«Н ундоши»** деб ёзилган. Бу кичик хато қоида мазмунидаги катта нуқсонга сабабчи бўлган. 27-параграфнинг 1-пунктида мисол учун келтирилган сўзлар орасида тире ўрнида дефис ишлатилган. (Эҳтимол, бу — матбаа хатосидир). 59- ва 70-параграфлар текстида **шунингдек** кириш сўзининг кейинидан вергул қўйилмаган. 58-параграфда келтирилган мисол сўзлар ичидаги **Узбекистонга** нисбатан ҳам **«мамлакат»** изоҳининг қўлланиши номақбулдир.

Ёзма саводхонлигимиз калити бўлиб қоладиган ушбу «Асосий қоидалар»да шу кунларда ёзилиши мураккаб ҳолга келиб қолган яна баъзи тил қодисаларининг ҳам имловий йўл-йўриқлари берилиши керак эди. Масалан, ҳозир ўзбекча исм ва фамилияларнинг ёзилишида кўпгина камчиликлар ,хилма-хилликлар бор. Улар матбуотда, шахсий ҳужжатларда турлича ёзиб келинмоқда. Чунки амалдаги қоидаларда киши номларининг ёзилиши тўғрисида биронта ҳам кўрсатма йўқ, фамилияларнинг имлосига оид биргина қоида билан чекланилган эди. Афсуски, бу ҳол қайта ишланган лойиҳада ҳам такрорланган. Ўзбекча исмлар имлосига боғлиқ масалаларни ойдинлаштириб беришни янги «Имло қоидалари» ўз зиммасига олса, яхши бўлар эди. Бунда, бизнингча, қуйидаги масалаларга диққат қилиш лозим:

а) охири **б, ф** товушлари билан туговчи қисмларга фамилия ясовчилар қўшилганда, ўша **б, ф** ларни **п** га алмаштириб ёзаяпмиз: **Туроб — Туропов, Соҳиб — Соҳипов, Айюб — Айюпов, Зариф — Зарипов** каби. Бунда исм охиридаги **б, ф** товушларини **п** га алмаштирмасдан ёзиш тарафдоримиз ва бу ҳақдаги қоида берилиши лозим, деб ўйлаймиз.

б) ҳозирги тилда (ёзувда ҳам) **Аҳмад, Муҳаммад** каби исмларга фамилия ясовчи аффикслар қўшилганда юз бераётган ўзгаришларни [**Аҳмад — Аҳмедов, Муҳаммад — Муҳаммедов** каби) изоҳлаш осон. Бу — русча талаффузга кўр-кўрона тақлид қилишдан бошқа нарса эмас. Лекин ўзбек тили орфоэпик ва орфографик нормалари нуқтаи назаридан қараганда, катта ғализлик. Бу ҳақда имло қоидасининг бўлиши мана шундай ғализликдан қутулишни таъминлар эди.

Алфавитимиздаги етишмовчиликларни тузатиб олмасдан туриб, ёзув маданиятимизни юксак даражага олиб чиқадиган, тубдан янгиланган ва мукаммалликка эга қоидаларни юзага келтириш мумкин эмаслиги эндиликда ҳаммага аён эди. Аммо амалдаги алфавит негизида вужудга келган ўзбек тили имло қоидаларининг ушбу янги лойиҳаси ёзув маданиятимиз тарихида маълум бир босқич бўлиб, саводхонлик учун курашда муҳим роль ўйнашига ишончимиз комил.

М. ҚОДИРОВ,
филология фанлари кандидати, ТошДУ доценти.

Қишлоқ спортчилари ҳаётидан

ИШТИЁҚ БЎЛСА...

КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида маданий-маърифий ва оммавий-физкультура ишларини тубдан қайта қуриш биринчи даражали вазифа эканлиги таъкидланган. Хўш, бу борада Қашқадарё областида қандай ишлар қилинаяпти! Жамоатчи мухбиримиз А. ИНОҚОВ ушбу савол билан область спорт комитетининг раиси У. ВАЛИЕВга мурожаат этди.

— Халқ орасида «Бўш вақт — хуш вақт» деган ибора кейинги пайтларда тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Чунки мароқли ҳордиқ чиқарган кишининг кайфияти аъло, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Биз ҳам инсон омили биринчи ўринга қўйилган қайта қуриш, жадаллаштириш даврида бу масалага айниқса алоҳида эътибор бераяпмиз. Менимча, меҳнаткашларнинг бўш вақтини намунали ўтказишда шахмат-шашка мусобақаларини яхши йўлга қўйиш ҳам катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, областимизда 19 та шахмат-шашка клуби фаолият юритаётганлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек 308 секцияда 15.280 йигит-қиз ўз маҳоратини ошираяпти. Малакали устозларсиз спортнинг бу турларини оммавийлаштириш қийин. Ҳозирги кунда биз етук тренерларга эгамиз.

Спортнинг бошқа турларини ривожлантириш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Биринчи навбатда Китоб, Ульянов, Қамаши районларида стадионлар қурилишини тезлаштиришимиз лозим. Бундан ташқари олти районда спорт комплекслари барпо этиш мўлжалланмоқда.

Яна бир муаммо: оммавийликка эриша олмаяпмиз. Ўтган йили студент ва ўқувчилар, қишлоқ спортчилари ўртасида тўрт бор ўтказилган биринчиликларда барча районларнинг вакиллари иштирок этишмади. Бу ўз навбатида мусобақаларнинг қизғин ўтишига тўғаноқ бўлди.

Умуман областда спорт ишлари ҳозирги кун талабига жавоб бермаслигини тан олишимиз керак. Маълумки, мустаҳкам спорт базасисиз, мавжудларидан эса тўғри фойдаланмай туриб, муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Бу ҳақда хўжаликларнинг раҳбарлари билан неча маротаба гаплашганлигимизга қарамасдан ишда силжиш бўлмаяпти. Мисол учун Баҳористон, Нишон, Деҳқонобод, Қамаши, Китоб, Чироқчи районларини олайлик. Мазкур жойларда мустаҳкам соғлиқ гарови — жисмоний тарбия эътибордан четда. Унга мутасадди ўртоқлар жон куйдирмаяптилар. Спорт инструкторларининг кўпчилиги махсус маълумотга эга эмас.

СССР касаба союзларининг XVIII съезди ҳужжатларида «Соғлом турмушни қарор топтиришда касаба союзларининг роли беқиёсдир. Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ривожлантиришда, аҳолининг санитария-гигиена таълимини тубдан қайта қуришда, уни инсонни маънавий ва аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан уйғун боғлаб олиб боришда касаба союзларининг ёрдами зарур», — деган сатрлар бор. Дарҳақиқат, область ва район касаба союз ташкилотлари бизга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришни кучайтиришлари даркор. Ана шундагина физкультуранинг оммавийлигини оширишга, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтиришга эришамиз.

МУСОБАҚА, НАТИЖА

БИР ФИНАЛЧИ МАЪЛУМ

ГФРда ўтаётган Европа чемпионати ҳал қилувчи босқичга кирди. Қитъа биринчилигининг ярим финал матчлари ниҳоясига етиб, олтин медаллар учун курашадиган командалар сараланаяпти. Ўтган куни ана шу учрашувлардан бири ўтказилди. Гамбургда ГФР футболчилари Голландия терма командаси билан куч синашдилар.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, биринчи ярим финал матчи кутилганидек қизғин кураш остида ўтди. Иккала команда ўйинчилари илк дақиқаларданоқ майдонда фаол ҳаракат қила бошладилар. Гоҳ у, гоҳ бу дарвозага тез-тез таҳдид солиб турилди. Футболчилар қўлай муддат келиши билан кўпчилик бўлиб, дарҳол ҳужумга ташландилар. Аммо уларнинг уринишлари биринчи бўлимда бирон-бир натижа бермади: дарвозалар дахлсиз қолиб, таблодаги 0:0 ҳисоби ўзгармади.

Ишқибозлар иккинчи бўлимда ўйин кескин тус олишини кутгандилар. Аслида ҳам шундай бўлди. Командалар тезликни янада оширдилар. Ҳужумларнинг бирида майдон эгалари бошлаган комбинацияни голландлар қўполлик ишлатиб тўхтатишга мажбур бўлишди. Учрашув ҳаками 11 метрдан жарима тўпини белгилади. Уни ГФР ярим ҳимоячиси Матеус усталик билан амалга оширди.

Шундан кейин ташаббус узил-кесил Голландия футболчилари қўлига ўтди. Улар ҳисобни қандай қилиб бўлмасин тенглаштириш учун бутун кучни ишга солдилар. Кўп ўтмай ГФР ҳимоячилари ўз жарима майдонларига ёриб кирган чемпионатнинг энг кучли тўпурари голландиялик Ван Бастенни чалиб йиқитишди. Унинг командадоши Коуман ўн бир метр масофадан тўпни дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1. Тез орада Ван Бастен яна маҳорат кўрсатди. У йиқилаётиб, тўпни дарвоза тўрига моҳирлик билан туширди.

Шундай қилиб, рақиби устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган Голландия терма командаси биринчи бўлиб ҳал қилувчи учрашувга йўлланма олди. Кеча СССР — Италия матчида иккинчи финалчи ҳам аниқланди.

ЧЕМПИОНГА ЕТИБ ОЛДИ

Бельфорда ўтаётган жаҳон кубоги мусобақаларида эстониялик қобилиятли шахматчи Я. Эльвест ҳам муваффақиятли ўйнаяпти. У навбатдаги турда исландиялик Хьяртарсон устидан ғалаба қозонди. Натижада Эльвест ҳисобидаги очколар 4,5 тага етди.

Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров бу турда дуранг ўйнади. У англиялик Жонатан Спилмэн қаршилигини енга олмади. Натижада унинг ҳисобидаги очколар ҳам 4,5 тага етди. Эндиликда икки совет шахматчиси мусобақада дадил карвонбошилик қилишаяпти. Улар рақибларидан 1,5 очко олдинда бораяптилар.

ВЕНЕРАГА ТЕНГ ЙЎҚ

Навоийда бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон биринчилиги тугади. Халқаро классли спорт мастери, Тошкент давлат университетининг талабаси Венера Зарипова айниқса муваффақиятли қатнашди. У республикамизнинг турли бурчакларидан, шунингдек, Кемерово, Тула ва Фрунзедан келган кучли 30 спортчи орасида энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

Шуниси қувончлики, кейинги икки ўрин ҳам республикамиз вакилларига тегди. Навоийлик умидли гимнастикачи Евгения Жукова иккинчи, бухоролик ўқувчи Аида Бобожонова учинчи ўринга кўтарилишди.

Редактор А. Ғ. МУХТОРОВ.

«Ленинград» совхозининг болалар боғчаси Тошкент районидаги энг яхши мактабгача тарбия муассасаларидан биридир. Сўлим масканда хўжалик ишчиларининг фарзандлари яйраб камол топишаяпти.

Улар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

СУРАТДА: жажжилар сайр пайтида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

ҲУҚИНГ, ҚИЗИҚ!

АНТИҚА ДЕКРЕТ

Бразилияда ҳукумат декрети эълон қилинди. Унинг сўнгида мамлакат президенти билан қуролли кучлар бош штаби бошлиғининг имзоси турибди. Расмий кийимдаги велосипед ҳаваскорлари... ана шундай эътибор қозондилар. Мазкур ҳужжатга кўра, эндиликда бу транспорт воситасини миниб бораётган бразилиялик ҳарбий хизматчилардан унвони катталарга дуч келганда қўлини чаккасига олиб бориб саломлашиш талаб этилмайди. Бундай дамларда фақат тезликни пасайтириб, бутун эътиборни транспорт воситани бошқаришга жам этишлари зарурлиги таъкидланади.

Декрет армиянинг интизом уставини бир оз енгиллаштиришга қаратилган. Аммо баъзиларнинг тасдиқлашларича, ҳамма гап мазкур уставдаги айрим моддаларнинг кулгили даражада эканлигидадир. Масалан, давлатга қарашли жониворларга ёмон муносабатда бўлиш таъқиқланади. Уй ҳайвонларига келганда уставда бу тўғрида лом-мим дейилмайди.

МАРОҚЛИ ҚУЙ ТИНГЛАНГ

Японияниг Цукуба илмий шаҳарчасида товушнинг тирик организмларга таъсирини ўрганувчи лаборатория мутахассислари инсон миясида юзага келадиган альфа бета тўлқинлари унинг руҳий ҳолатида акс этади, деган хулосага келдилар. Ақлий меҳнат билан қаттиқ шуғулланган ва диққат-эътиборни бир нарсага зўр бериб қаратганда бета тўлқинлари устунлик қилади. Альфа тўлқинлари эса дам олиш ва бўшашишда биринчи ўринга чиқади, шунингдек, маҳсулдор ижобий натижалар берувчи осойишта дамларда ҳукм суради.

Олимларнинг фикрича, моҳирлик билан танланган куй инсон миясининг альфа тўлқинлари сезиларли тарзда кўпайган ҳолатга келишига имконият яратади. Товушларни ёзиб олувчи йирик «Си-би-эс Сони» фирмаси сотувга чиқарган иккита пластинка ана шу тадқиқотлар натижаси бўлди. Тасдиқлашларича, булар қатъий илмий асосда яратилган дунёдаги биринчи «тинчлантириш биомузикаси»дир. Пластинкадаги оҳанглар икки қисмга бўлинади. Уларнинг биринчиси «Руҳий азобланишни ишга туширш учун», иккинчиси «Омла ҳаётда осойишта бўлиш учун» деб аталади.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

24 ИЮНЬ, ЖУМА

● МТ I

7.00 **«120 минут».**
9.05 **«Дунёнинг қувончлари».** Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
10.25 Янгиликлар.

* * *

16.30 Янгиликлар.
16.45 «Қайта қуриш прожектори».
16.55 **Арманистон телевидениесининг программаси.**
18.25 **«Истиқбол портрети».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.55 Шеърият лаҳзалари.
19.00 «Дунё воқеалари».
19.20 Фалсафий суҳбатлар. «Ким диалектик фикрлайди?».
20.20 **«Дунёнинг қувончлари».** Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 Останкино концерт студиясида сатира ва юмор кечаси.
23.40 **«Интерсигнал».**
00.10 **«Нигоҳ».** Тунги информацион-музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Ер юзида севги бор экан». Я. Евдокимов иштирокида фильм-концерт.
9.50 Илмий-оммабоп фильмлар: «Қизил Армия қуйчиси», «Бородино».
10.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.50 Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига. Ҳужжатли фильмлар: «Тажрибалар», «Гумбез остидаги эшик».
11.20 «Чашмалар».
11.50 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.20 «Тонг саҳарда». Болалар учун уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.25 Янгиликлар.
13.35 «Танишинг, ёш кинематографчилар».

* * *

18.35 Янгиликлар.
18.45 Қирғизистон санъат усталарининг концерти.
19.30 «Сиз билан маслаҳатлашиб...». «Совет ҳокимияти — Советлар ҳокимияти». Қайта қуриш жараёнида маҳаллий Советларнинг роли ҳақида. Белоруссия мисолида.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 Н. А. Римский-Корсаков номли Ленинград давлат консерваториясининг 125 йиллигига бағишланган концерт.

● ЎзТВ

15.00 Болалар учун фильм. «Уч бақалоқ».
16.25 «Абитуриент-88». Биология.
16.55 «Чўпон найи». Фильм-концерт.
17.15 «Биз қандай дам оламиз?» (такрор., рус.).
18.00 Янгиликлар.
18.05 **«Ёшлик»** студияси кўрсатади. «Солдат оналари слёти» (такрор., рус.).
19.30 **«Фан уфқлари».**
20.00 **«Ахборот»** (рус.).
20.15 «Комсомол прожектори».
20.30 **«Ахборот».**
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.15 **Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. «КПСС Марказий Комитетининг Тезисларини муҳокама қиламиз».**
22.45 «Қадимий ёдгорликлар — халқ мулки» (рус.).
23.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.
00.20 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ва «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси қаламкашлари Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретари, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетаси редакциясининг бўлим мудири Жонибек Қувноқовга акаси

**Холибек ҚУВ